

МАКТАБ-МЕНИНГ

ҲАЁТИМ



Сухбатдошим — Милоҳатхон ТИЛЛАЕВА, Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 2-сон иқтидорли болалар мактаб-интернати директори, Халқ таълими аълочиси.

- Милоҳатхон, "99 фоиз меҳнат ва 1 фоиз қобилият инсонни комиллик сари етаклайди", деган фикрга қўшиласизми?

- Аввало ёшларнинг бирон соҳани мукамал эгаллаганларида уларни ўраб турган атроф-муҳит катта таъсир кўрсатади. Фақат шундан кейингина меҳнат ва қобилиятга навбат келади. Ўтган йили 6-синф ўқувчиси Мадиноҳон "Олтин тож" ўйинининг голиби бўлди, бу йил эса "Ўйла, изла, топ" интеллектуал телебаҳсда ишторик этган мактабимиз жамоаси финал босқичига ўтди. 2006-2007 ўқув йилида 11-синфни битирган 26 ўқувчининг 12 нафари давлат гранти, 14 нафари эса контракт асосида олий ўқув юртиларига ўқишга қабул қилинди. 2007 йилда "Сиз қонунни

биласизми?"-танловида ёш ҳуқуқшунослар гуруҳимиз вилоятда биринчи, республика миқёсида эса фахрли 3-ўринни кўлга киритди. 8 нафар аълочи ўқувчимиз вилоятда ўтказилган фан олимпиадаларида ишторик этган бўлса, 10-синф ўқувчиси Муҳсинхон Ғойипов ҳуқуқшунослик фани бўйича 1-ўринни эгаллади, ҳамда шахсий компьютер билан тақдирланди. Мукофотни топширар экан, туманимиз ҳокими Абдуҳолик Холматов: "Сизлар истиқлол умидларисиз. Муस्ताқиллик йилларида туғилиб, эркин мамлакатда яшаяпсиз. Президентимизнинг ишончини, сизларга кўрсатилаётган улкан ғам-хўрликларни оқлайсизлар, деган умиддаман", - дедилар. Очиги, бу самимий мулоқот ва эътибордан ҳаммамизнинг бошимиз кўкка етди. Болалар жуда зийрак бўлишади. Ўқитувчи ва ота-онасининг панд-насихатларини оддийгина қабул қилади, лекин ҳокимнинг мактабга келиб, синф хоналарни айланиб, дарслар юзасидан савол-жавоб қилиб, уларнинг орзулари, интилишлари билан қизиққанлари ижобий таъсир кўрсатди. Улар ўқиш ва тўғарак машғулотларига янада масъулиятлироқ ёндошишапти, энг тўполончи болаларимиз ҳам жиддий тортиб қолишди.

- **Орузу ва режаларингиз...**
- Ёшлар билан ёнма-ён нафас олиш орзулар оламида яшас дегани. Улардан ички имкониятлар рўёбга чиқмай, куртакли-

гидаёқ сўлишига йўл қўймайлик. Аини кунларда туманимизда 23 декабр - Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига қизгин тайёргарлик кўрилаяпти. Албатта, бу муҳим тадбир уюшқоқлик билан ўтказилади. Мен она сифатида фарзандларимнинг, ўқитувчи сифатида ўқувчиларимнинг, фуқаро сифатида мустақил Ватанимизнинг буюк келажаги учун энг муносиб номзодга овоз бераман.

Ўзим оддий оилада улғайганман. Тўнғич фарзандман. 14 ёшимда отамдан айрилганман. Муноси аяжоним 5 фарзанд билан қолганлар, кенжа синглим Шоҳсанам ҳали бешкида эди. Яратганга шуқр, ҳаммамизни ўқитиб, олий маълумотли қилдилар. Ўзим бугун уч ўғилнинг онасиман. Раҳматлик қайнотам Абдуқодир Тиллаев туманимизнинг биринчи журналистларидан. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг ақин дўсти бўлганлар. "Набирали бўлсам, дўстимнинг исмини қўяман", деб кўп гапирарканлар. У кишининг орзулари ушалди-қайнотамга кўриш насиб қилмаган набиралари Ойбек ва Улуғбекдан кейинги ўғлимнинг исми Абдулла Қаҳҳор. Турмуш ўртоғимнинг мени тушуниши, фарзандларга меҳрибонлиги юрагимнинг тубидаги энг яширин орзунинг ушалишидир.

Хулқар ХАМРОЕВА

- **Аёлнинг уйда қозони қайнаб турса, фарзандларининг келажаги учун даромад қилишга имкони бўлса қайфияти ҳам яхши бўлади, - дейди Гулистон шахар "Намуна" маҳалласининг маслаҳатчиси Гулбаҳор ХИДИРОВА** Маслаҳатчи бу гапларни куруққина айтмайди, балки ҳар бир оилада ана шундай қайфият бўлишига ҳаракат қилади. Ҳар куни маҳалланиннг кўчаларини кезар экан, хонадонларга бирма-бир кириб чиқар экан, аҳолининг яшаш аҳволини синчков кўзи,



ФИДОЙИ МАСЛАХАТЧИ

Ўтқир зехни билан билиб олади. Кейин ана шу кузатувлари асосида иш олиб боради.

- Гулбаҳор опа маслаҳатчи бўлиб ишлаш қийин эмасми, ҳар қалай аёлнинг уй-рўзгор ташвишларидан ортиб бошқарил ташвиши билан яшаш осон эмас, - дейман мен. Маҳалламизда турли касбдаги, ҳар хил ҳолатдаги инсонлар яшайдилар. Маслаҳатчи эса аввало ўзининг интизоми, оиласининг тотувлиги, бола-ларининг одоби билан улурга намуна бўлиши керак. Шундагина қайнонаси билан жанжаллашган келин, ота-онасининг дилини оғритган ўғил, маҳаллада енгилтақлик қилган қиз ёки келинига адолатсизлик қилаётган қайнона сизнинг гапингизни эштади. Яқинда тўрт боласи бор оиланиннг бузилиш арафасида эканлигидан хабар топиб қолдим. Оиласига борсам қайнонашундан қаттиқ хафалигини, шунинг учун ҳам ажратаётганини билдим. Келин қайнотасига нисбатан ниҳоятда ҳурматсизлик қилиб, дилини оғритибди. Уша келин билан ҳар куни бориб суҳбат ўтказдим, муомаласининг кўполли-

гидан тўртта фарзандини бир умрга тирик етим қилиб қўйиши мумкинлигини ўқтирдим. Қайнота-қайнонаси билан алоҳида, эри билан алоҳида гаплашдим. Ниҳоят келин қайнотасидан кечирим сўради, отахоннинг ҳам кўнгли юмшади, мана ҳозир ҳаммаси изига тушиб кетди. Бу мениннг ютуғим десама бўлади, чунки оилани сақлаб қолиш жуда муҳим нарса. Ногирон инсонларга ҳомийлар томонидан арава-чалар туҳфа қилдик, бир қанча кам таъминланганларга соғлигини тиклаш учун йўланмалар ташкил қилдик. Иккита боқувчисини йўқотган аёлга имтиёзли кредит олиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Маҳалламизда бир аёл тўсатдан вафот этгани сабаб, ҳали ёшига ҳам етмаган чақалоғи қаровсиз қолди. Уни тарбиялаш учуннинг гапингизни эштади. Яқинда тўрт боласи бор аёлга фарзанд қилиб бердик ва маҳалла томонидан бу оилга барча имкониятларни яратдик. Мен маҳалламиздаги барча аёлларнинг юзидо доим хурсандчилик, яхши қайфият кўрсам дейман. Ҳа ўзгалар учун яшаш маслаҳатчи Гулбаҳор Хидирова-нинг ҳаёти мазмунига айланган.

Матлуба ШУКУРОВА



ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНИ

онларга етгунча қиз бола боши билан не-не заҳматларни чекмади, дейсиз. Тош келса кемириб, сув келса симириш, тўғри келган, кезларида ҳам танлаган касбидан афсусланмасди.

- Мен бу касбда камол топишда отамнинг хизматлари катта. Ишдан кеч қайтишга тўғри келган ҳолларда укам Муроджон доимо ёнимда бўлди. Мениннг ёнимда юриб чиникқанлигидан ҳозирда шартнома асосидаги кичик сержант унвонида йигитлик бурчини адо этаяпти.

Муқаддасхон бу гапларни шунчаки айтмади, ватанга, элга бўлган меҳрлари чексизлиги туфайли ҳам шу йўлни танлагани рост.

Қахрамонимиз ҳақида Чортоқ туман ички ишлар бўлими бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, ички ишлар подполковниги Носиржон

Қаҳҳоров шундай дейди:
- Муқаддасхон баъзиларга ўхшаб оғирни остидан, енгилни устидан ўтишга одатланмаган. Ҳар қандай топшириқни кутгандан аъло даражада барвақт адо этиши билан хурмат қозонаяпти. Шунча йил ишлаб бирор марта ҳам интизомий жазо чорасини олмаган. Ўз шаънига доғ туширмай ишлаб келаяпти.

Муқаддасхон учун соҳадаги барча ишлар муҳим, зарур ва керакли ҳисобланади. Бу изланувчан қиз Учқўрғон туманидаги иқтисодиёт коллежининг ҳуқуқшунослик бўлимида тахсил олиб, ўз билимини мустаҳкамлади.

Оилада етти нафар фарзандларнинг тўнғичи бўлган Муқаддасхон сингиллари ва укаларига ҳар хил хатдан кўмақдош.

Аскарали МАМАТОВ, Наманган вилояти, Чортоқ тумани.

Муқаддасхон Холмирзаевани 1998 йили Чортоқ туман ички ишлар бўлими воёга етмаганлар билан ишлаш инспекциясига ишга олишди. Шиддати бошқача бу қизни 2001 йили бўлимининг "Кўриқлаш" бўлини-маси ходимаси" этиб тайинлашди. Нечоғлик машаққати ва масъулияти бўлмасин Муқаддасхон янада ғайрат билан ишлади ва кўзлаган орзу-мақсадига эришди. Бу қувончли



«Oila va jamiyat»га обуна бўлсангиз дардларингизга даво топасиз...

МАДАДКОР ГАЗЕТАМИЗ

Раҳматлик отам қўшни жамоа ҳўжалиги кишлоқларига 20 йилдан зиёдроқ почтачилик қилдилар. Отда, эшақда қатнардилар. Хуржуннинг иккала кўзи доим газета-журналларга лиқ тўла бўларди. Бирорта нашр бизнинг назаримиздан четда қолмасди. Шу сабабимиз, бизлар кўпроқ ижодга қизиқадиган бўлиб ўсдик. Опамлар, акамларнинг мақолалари, шеърлари туман, вилоят, республика нашрларида тез-тез ёриштириб турарди. Фарзандларим ҳам шу йўлдан ке-

тяпти. Қизим Хулқар ҳамон шеърлар ёзади, ўғлим расм чизади, кичик қизим Моҳинур эса Тангемга тақлид қилиб, кийинишга ҳаракат қилади. Унга ўхшаб акасини, опасини ҳар хил муолажалар қилади. Пластилиндан турли-туман овқатлар тайёрлайди. Қизим Хулқар ўтган йили ўрта мактабни тугатди. Қарши Давлат Университетининг она тили ва адабиёти факультетига ҳужжатларини топширганди, лекин талаба бўлиш бахтига мўясанд бўла олмади. Ҳар хил

гап-сўзлардан, "қўлида катта маблағи ёки зўри бўлмаса мундайроқ одамларнинг болалари ҳеч қачон ўқишга қира олмайди", - деган гаплардан асабларим қақшаб, бир ойча ётиб ҳам қолдим. Мен болаларимга бунақа гаплардан тушундикка тушмасликни, ҳар бир янги кундан мўъжизалар кутиб яшаш кераклигини тушутирдим. Ҳар доим фарзандларимни газета-журналлар билан ошно бўлишга, айниқса, "Oila va jamiyat"ни ўқиш ва ўқишга ундайман.

Иқтисодиёт томонидан сал қийналдикми, ўтган йилнинг иккинчи ярмида газетага обуна бўла олмадим, топиб ўқишининг ҳам иложи бўлмади. Бу йил эса зарурий эҳтиёжларимдан кечиб бўлса-да, обуна бўлдим. Чунки, "Oila va jamiyat"ни яхши-ёмон кунларимда таянчим, деб биламан.

Муҳаббат МЕНГИРОВА, Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, Ногоҳан қишлоғи.

Обуна—2008

Қурбон ҳайитингиз муборак, азиз юртдошлар!

Ҳаж ибратлари

“ҲАЖЖИ ҲАРОМ”

Зиёратчи аёллар бир тўп бўлиб Макка бозорини айланиб юришарди. Расталарда мева-чевалар деганингиз ранг-баранг. Кўзни олади. Ўзбекистон бозорларида “татиб кўриш” деган нарсаларга ўрганган аёллардан биттаси ундан-бундан татиб кўра бошлади. Шунда сотувчи бошларини чайкаганича: “Ҳажжи ҳаром, ҳажжи ҳаром”, - дея қайта-қайта такрорларкан, аёллар қўлидаги қўлида, оғзидаги оғзида бир лаҳза қотиб қолишди. Гапнинг маъносига етишгач кўлларини кўксиларига қўйганларича илтижо қила бошлашди:



—Кечиринг, билмай қолибмиз, сўзингизни қайтиб олинг, илтимос...

Сотувчи гапини қайтиб олмади, бошини чайкаганича нуқул такрорларди: “Ҳажжи ҳаром, ҳажжи ҳаром...”. Илтимослар, тавба-тазаррулар таъсир қилмагач, аёллардан бири: “Ё Аллоҳ, ўзинг кечир бизни Аллоҳим, давогарнинг қалбини юмшат, Аллоҳим”, - дея фиғон бошлади. Сумкасидан пулларини олиб, сотувчининг олдида ташлади: “Рози бўлинг, афу этинг, шунча жойдан йўл босиб, неча йиллардан бери тилай-тилай етганимизда... ё, худойи?”.

Кимдир сумкасидан ҳовучини тўлдириб кишимш олиб узатди: “Олинг Ўзбекистондан, олинг илтимос...” Сотувчи бошини чайкач, на гапга на пулга, на илтимосларга кўнар, ўша сўздан, ўз билганидан қолмасди. Бир амаллаб сотувчининг кўнглини топишди. У гуноҳга каффорат олмаса ҳам рози бўлганини билдириб табассум қилди. Шундан сўнггина аёллар “кишининг ҳаққи, рўхсатсиз татиб кўриш” балосидан қутилганларига шукроналар айтишиб растадан узоклашишди.

АРМОН

Каъбатуллоҳ зиёратидамиз, -деб ҳикоя қилади Ҳожи бобо. - Ҳар ким ўз бошидан ўтказмагунча бу ҳолнинг маъносига етиши қийин бўларкан. Шундай бир сўзга сизмаса кўнларнинг бирида мөн учун қутилмаган имтиҳонли воқеалар юз берди.

...Қаршимда бир ҳовуч пул-озмас, кўпмас бир даста долларлар ётарди. Бизнинг шароитда унга жуда кўп нарса- машина ва яхшигина иморат олиш мумкин. Наздимда ҳеч ким кўрмаганга ўхшайди. Худо “бераман деса қўлига, чиқариб кўяр йўлига”. Айнан менинг олдимда, шундоқ бурнимнинг тағида турибди-ку. Аллоҳимнинг меҳрибонлигидан ичимга сизмач, бошқа биров илиб кетмасидан олдин олай деб пулга интилдим. Шу пайт аллақачон раҳматли бўлиб кетган отам шашт билан елкадан ушлади: “Нима қиларсан, болам ташла, мени шарманда қилдинг-ку болам...” Яшин тезлигида миям ишлаб кетди. Пуллар қўлимни, нафсим ичимни куйдириб “дод” деб юбордим. “Дод, минг бор дод, шунча одамлар кўриб, устидан босиб ўтиб турган нарсани нега мен олдим? Нега шунга ақлим етмади? Худонинг даргоҳида шайтоннинг васвасасига учиб турган одамдан қандай яхшилик чиқиши мумкин, қандай қилиб унинг ҳажи қабул қилиниши мумкин?”

Бошда келганимда бошқача йиллар отилиб чиққан ичларимдан энди захарли, зақумли бир йилгилар келардики, на фақат кўзларим, балки жисми жоним, ўзим ҳам англамаган бир жаҳонларим, руҳи равонларим қўйиб йиллардим. Отажоним, ҳаммаша қўллаб-қувватлаган, тўғрилиқка ўргатган меҳрибон падари бузрукворим, шундай кунда ҳам олдимдан чиқдингиз-а, бир ўтдан кутқардингиз-а... Сал бўлмаса юзи қаро бўлай деган бу ўғлингизни (ўғлингиз дейишга ҳам уялмоқдаман) - нафси оворасини кечиринг, отажон, дейман. Ичимдан ўтганларини, армонларимнинг ранг-рўйлари ни ҳозир тасвирлаб беролмайман. Шунин билдимки, раҳматли отамнинг Аллоҳга ёққан бир жойи бор эканки, мени унинг руҳи билан оғоҳ қилди. Аллоҳим отажоним учун мени аяди, шайтоннинг қўлига бериб қўймади. Шукрлар бўлсин. Шундай ажойиб ота-она берган меҳрибон Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Раъно РАҲМОНБЕРДИ қизи.

Бу иборани ҳар биримиз кўп бор эшитган бўлсак, ажабмас. Кексаларимиз бот-бот такрорлаб турадиган бу сўзлар бола тарбиясига эътиборли, маънавиятга чанқоқ ҳалқимизнинг одми, лекин бир олам маъно муҳассас ҳикматларидан бирига айланиб кетган, дейиш ҳам мумкин. Шунга қарамай, бу масалага енгил қарайдиган ота-оналар доим топилади.

Юқори қаватдаги икки болали кўшим Кундузхон ақиндан бери ўғил-қизини етакламай, бир ўзи ишга қатнайдиغان бўлди. Учрашиб қолганимизда сабабини сўрадим.

- Э-э, жонга тегди, - дея қолларини чимирди у. - Иккита болани эрталаб судраб кетаман, кечки пайт богчадан олиш ҳам ўзимга. Биласиз, укангиз мендан эрта кетиб, кеч кел-

битта чўпни бу ердан-у ерга олиб ўрганмаган танбал. Иш қилмаганиям майли, Сухробнинг “пул жиннилиги” энди ҳақиқий талвасага айланди. Уйдан пул ўғирлаши, ул - бўлни сўрамай сотиб юбориши оддий ҳолга айланди. Охири ўзларининг новвосини кўшни қишлоқлик бир ўри билан бирга ўғирлаб сотаётганида қўлга тушди. Энг ёмони, илгариям шу атрофдаги маҳаллалардан мол ўғирлашда қатнашгани фош бўлиб, беш йилга қамалди.

Бу нима, тақдирми, қисмати ё зулм? Ҳа, зулм бу, зеро болани ҳали маблағ қандай, қаёқдан келишини англамаган пайтидан пулга ўргатиб, меҳнатга ўргатмасликни бошқача атаб бўлмайди.

Болалигимизда байрамларни интиқ

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

лаб келган бўлар-мидик?

Халқимизда яна бир ибора бор:

“Ойда еган тўқ, кунда еган суқ”. Кўнгли суқ кетган нарсасини шартта еб ўрганган болани меҳмонга олиб боринг-а, умрида тансиқ нарса кўрмагандек дастурхонга ташланади. Ва аксинча. Мен бир қизни биламан, мактабдан кела солиб бозорчанинг бир четиға майда-чуйда, қанд-курс ёйиб сотиб ўтиради.

“Мана бу шоколад яхшими ё бунли?” -деб сўрасангиз, болалигига бориб тўғрисини айтиб қўяқолади: “Билмадим, еб кўрмаганман”, деб. Ҳа, бу назари тўқлик. Бундай қаноатни тарбиялаш учун эса ота-онанинг

БОЛАНИ ПУЛГА ЎРГАТМАНГ

лади. Охири безор бўлиб, уйга ташлаб қўядиган бўлдим. Жоним тинчиди - қолди...

- Ие, қаровсиз қолишяптими? - таажжубландим мен.

- Ҳа, нима кипти! Қўлларига бир чангалдан пул бериб кетсак кифоя, кечгача эрмак қилишади. Ўзлари билан овора бўлиб, кун ўтганини сезишмайди.

Дарҳақиқат, бир кунгина мазам бўлмай ишдан қолиб, Кундузхоннинг “услуги” қанақа натижа бераётганини кўрдим. Опа-ука етаклашиб кун бўйи ҳали дўконга, ҳали бозорчага қатнашди, кўзларига нима чиройли кўринса олиб, ақллари етганича сарфхаражат қилишди. Ростданам, ҳеч кимга даҳмаза бўлишмади.

Қизиқ, нахотки ота-она ҳоловатни болаларидан пулга сотиб олиши мумкин? Ҳали мактаб ёшига етмай ўз ҳолича пул соворишга ўрганган гўдақдан келажакда нимани кутиш мумкин? Болада қаноат, тежамкорлик, шикастанафслик каби гўзал туйғулар қачон ривожланади? Пулнинг меҳнат қилиб топилишини қачон англаб етади? Пулга ўрганган боланинг маърифатга интилишга, тафаккур қилишга вақти қолармикин?

Сухроб-қўшнимизнинг ўғли. Кўз ўнгимизда қатта бўлган. Тўртта қиздан кейин топилган ўғлига беҳад меҳр қўйган отанинг зийраккина болақайдан ҳаётда пулни ҳовулаб сарфлашдан ўзга лаззатни билмайдиган худбин одамни тарбиялаши ҳам кўз ўнгимизда содир бўлган. Саъдулла ака ёлғизгина меросхўрига ўзи муҳаббатини гўдаклигидан пул орқали ихзор қилишга одатланган. Сухроб ҳали опаларини тузукроқ таниб улгурмай пулнинг фарқига борадиган бўлиб улғайди. Отанинг чўнтагини қовлаб, тополмаса жажжи қўлчалари билан юзларига шапатиллаб пул талаб қилганида хузур қилиб қўлардилар, “ота-ўғил!”-дея алқай-алқай ақчани тутқазардилар. Сухроб богчага, сўнг мактабга қатнай бошлади. Энди тантқ болақайднинг кўпроқ пул сўраб катталарни пайдар-пай муштлаб, тепкилашлари бошқаларнинг кўзларига ботадиган, Саъдулла ака ўзи ҳам хижолатдан қизарадиган бўлди. Сухроб улғайгани сари бундайин ошқора хархашалар йўқолди, бироқ, зимдан ўз ҳукмини ўтқишизи, керагича “ундирмагунча” уйидигиларини қон қақшатишини билиб юрардик. Айни дўстлари ичиде керилиб, ўнг-сўлига қарамай сарфлашга ўрганган пайтида отаси бетоб бўлиб, мансабидан айрилди, битта нафақага қараб ўтириб қолди. Қизлар қўлдек тўрт томон учирма бўлган, ҳайҳотдек ҳовлининг ёлғиз ишга яроқли эркаги



кутардик, чунки шу кунлардагина қўлимиз пул кўрарди. Ушандаям, ўз ҳолимизча бир нималар сотиб олишдек сеҳрли машғулотнинг завқига ишқибоз эдик, холос. Бошқа пайтлар пулга эҳтиёж сезмаслигимиз табиий ҳолдек эди. Кечки пайт байрам баҳона олган хиндақкина маблағимизни нималарга сарфлаганимизнинг ҳисоботини бериш ҳам оддий ҳол эди. Чунки энам доим: “Пулда роҳат-фароғатни эмас, машаққатни, ота-онанинг қора терини кўринг. Токи ўзингиз меҳнат қилиб пул топлмас экансиз, катталар берган пулни қарз деб билинг ва шу нуқтаи назардан тежаб ишлатинг. Пулни хурмат қилинг”, дея уқтирардилар. Агар ўша ўғитлар, тежамкорлик сабоқлари бўлмаганида опам иккимиз азим шарҳда ўқиб юрганнимизда отам вафот этганларидан кейинги етишмовчиликларга чидамаган, институтни таш-

ўздан сабот талаб қилинади. Яқинда беҳитибёр икки дўгонанинг суҳбати қўлоғимга чалиниб қолди.

- Сумканинг зўридан опсану, ўртоқжон, жа-а қимматдир-а?

- Э-э қўявер, ўзимга қолсаку етқизолмасдим. Болаларнинг пулидан тежаб, қўшдим.

- Қанақасига?

- Эрим ҳар кун ичинчи синфдаги қизимгаям, биринчиға кирган ўғлимгаям минг сўмдан ташлаб кетади. Кассир ўзим эмасманми, беш юзданини уриб қоламан. Балодеккина “даромад” бўларкан, ҳи-ҳи...

Таассуф. Бошлангич синфдаги болақай кунига минг сўм сарфлаши шартмикин? Нимага сарфлаётганини сурштиришармикин? Онанинг ахволи боғи бўлса, қайда-нам қизиқсин. Агар ўзига қимматбахо матоҳ олиш учун эмас, боланинг эҳтиёжларини назорат қилиш мақсадида “чегириб” қолганида, бошқа гап эди.

Охири пайтда муаллимларнинг қайсидаир ўқувларини дарсга кирмай компьютер ўйнаб юриши, яна қайсини-сидир кўчада “бомбочка” отиб ҳамманинг тинчини олаётганидан шикоят қилишларини эшитиб қоляпмиз. Ота-оналар елка қисишади. “Биз кун бўйи ишдамыз, билмабмиз”. Боланинг чўнтагини пулга тўлдириб, ўз ихтиёрига ташлаб қўйганимиз учунмикан, деб ўйлашса қоши эди.

Ёшлиқдан пулга ўрганган фарзанднинг истақлари ўқувчи бўлади, нафси ҳар томон шоҳлаб кетаверади. Хўш, хурматли ота-она, умр бўйи унинг эрка майлларини қондиришга қафил бўлмоқчимизми? Агар истаган чоғингизда ҳам, бўла олмайсиз. Белдаги қувват, кўздаги нур неъматлари ўлчоғлик, бир кун камайд, адо бўлади. Боланинг эҳтиёжлари эса, аксинча, ортиб бораверади. Ана шунда мувозанат издан чиқади. Бундан Худо асрасин. Балки бу фарзандимизни келажакда кутаётган улкан жараёнлар олдида майда бир гапдир. Лекин барча йирик фожеалар кичик хатолардан туғилишини унутмайлик.

Гулчехра АСРОНОВА, Фарғона шаҳри.

БАХТГА ИШОНИБ ЯШАСАК...

- Менга маслаҳатингиз керак,- дея гап бошлади тахририятимизга Намангандан кўнғироқ қилаётган 20 ёшли қиз. - Ота-онамининг қистови билан бир қариндошимизга турмушга чиққандим. Бир ой ҳам яшамай оиламиз бузилди. Чунки эрим билан бир-биримизга кўнглимиз ийиммади. Қонуний ажралишдан бошқа иложимиз қолмади. Ота-оналаримиз юз кўрмас бўлиб кетишди. Мана шунга ҳам бирон йил бўлиб қолди. Ўзимдан ўтганини ўзим билман, худо билади. Компьютер курсини тугатиб, ҳозир ишлаяпман. Ҳар қалай уйда сиқилиб ўтиргандан ишлаганим яхши. Ўзимни анча енгил ҳис этаяпман. Шундай илиқ-илиқлик кунларнинг бирида бир йигит билан танишиб қолдим. Салом-алигимиз самимий дўстликка айланди, ундан кейин эса жиддийлаша борди. Мен оила қуриб ажрашганини унга айтишга кўрқдим. Бугун ҳам ишдан кейин учрашувимиз бор. Унга бор гапни айтсаммикан, сиз нима дейсиз?

- **Хафа бўлмангу, агар унинг муҳаббати чин бўлса, сизни тушунади. Шу бугун ҳамма гапни айтиб, орани очиб қилиб олинг. Кўрқманг, бахт кўргонининг эшиги сон мингта. Фақат тушунликка тушмасангиз бас.**

- Ёшим 18да. Яқинда мени унаштириб қўйишди. Албатта ота-онамининг изми билан. Ўзимга қолса рози бўлмасдим,-дея сўз бошлади. Сурхондарёдан кўнғироқ қилаётган Мехри исмли қиз.

- **Нимага?**
- Э, ҳали ҳеч гап йўғу, менга: "Синфдош ўғил болалар билан гаплашиб турганингни кўрсам, ўзиндан кўр", - деб дўк қилади қалинчям. Ахир бир синфда 10 йил ўқиганми. Энди улардан юз буришим керакми?



Қиз билан самимий хайрлашиб, учрашув натижасини айтишини таъкидлаб гўшакни қўйдим.

Орадан бир кун ўтди. Телефон жиринглаб, гўшакни кўтардим. - Мен Хулкарман, кеча кўнғироқ қилгандим, эсладингизми?, - хурсанд овоз эшитилди гўшакдан.

- **Эшитаман.**
- Кеча унга ҳаммасини айтдим.
- **Нима бўлди?**
- Бошда унинг ранги оқариб

кетди. Гапимни охиригача тинглаб турди-да, жажл билан ўрнидан туриб кетди. Ҳаммаси тамом бўлди, деб орқасидан бўзлаб қолавердим. Шу аҳволда аранг уйга кириб бордим. Кечаси соат 10 ларда телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардим, "Мени кечир Хулкар, ўзимни тугтиб туролмадим. Сени ёлғиз қолдириб кетганимдан афсусдаман. Мен сени севаман, сен ҳақингда ота-онамга ҳам айтдим. Улар: "Болам, сен бахтли бўлсанг бўлди", - дейишди. Онам эртага совчиликка боради. Қолган гапни учрашганимизда айтман", - деди. Мен нима дейишимиз билмай нуқул йиғлардим. Кимгадир кераклигини ҳис қилиш ҳам бахт эканига амин бўлдим. Мен бахтиёрман, ҳали яна кўнғироқ қиларман, хайр, - қиз йиғлаб юборди.

Телефоннинг бир меъёрдаги қисқа-қисқа товушлари суҳбатимизга яқун ясади. Суҳбатдошим ҳаёти ҳақида уйларканман, шундай хулосага келдим:-Бахтсиз кунларимизни бахтга йўйиб яшасак, хушнуд кунлар эшиги бирма-бир очилавераркан.

Кўнғироқларингиз...

ҳат билан муомала қилади. Бироз юрганимиздан кейин менга буйруқ бераяпти: "Нима, автобусда одамларнинг кўзига ўзингни ўқимишли қилиб кўрсатмоқчимисан? Олима бўлсанг ҳам, бир кун келиб менинг хотиним бўласан. Нафақат автобусда, бошқа жойда ҳам кўлингда бунақа матоҳни кўрмай. Бир амаллаб тикувчилик курсини битириб ол, шунда ҳам бўсага ҳатлаб кўчага чиқшингга йўл қўймайман. Уйда бола-

экан, йўқ десанг берган сутимга рози эмасман!", - деб туриб олган, ҳеч нарса дея олмадим.

- **Сизга нима деб маслаҳат беришга ҳам ҳайронман. Тўйни қайтардингиз ҳам, лекин сиз: "Тўйи қайтган қиз" тамғасини олишга розимиз? Тенгдош дўгонларингизнинг таъкибли нигоҳларига бардош бера олармикансиз?**

- Мен тўйни қайтарадиган бўлсам, сиздан маслаҳат сўраб ўтирмасдан тавakkал қилган бўлардим. Қайлигим нимага шундай? - деб ўзимда жавоб топа олмаганим учун маслаҳат соляпман.

- **Синглим, сизнинг тақдирингиз аллақачон қолипга жойланган, уни бошқа қолипга солишни ният қилган**

Тўғри йўл бўлмас...

- **Шунчалик ҳам рашкчими?**
- Рашкчям гапми? Яқинда ўқишдан қайтаётиб магазиндан китоб харид қилиб олдим. Уйга келиб ўқишга сабрим чидамай автобусда ўқиб келаётсам, кимдир тегламда тикилиб тургандай туюлди. Бошимни кўтариб қараб музлаб кетдим. Асқар менга еб кўйгудай қараб турибди. Индамай китобни ёпиб, аччиғимдан салом ҳам бермай, юзимни ойнага буриб олдим. Навбатдаги бекатда автобус тўхтади. У менга "Туш, гап бор", - деди дағаллик билан. Тўшгим келмаса ҳам одамларнинг олдида изза қилмасин деб тушдим. Автобусдан тушим билан қўлимдаги китобни юлқиб олиб: "Юр бу ёққа", - деб йўлакка бошлади. Мен ҳайрон, нима гуноҳ қилдимки, менга бунчалик важо-

ларнинг кийим-бошини тикиб берсанг ҳам катта гап", - деб китобни икки қўллаб бураб-бураб йиртиб қўлимга тутқазди. Гўё юрагимни гижимлагандай, шундай ачишдики, шундай ачишдики... Ўзимни тугтиб туролмай: "Гуноҳим автобусда китоб ўқиганимми", - деб йиғлаб юбордим. Айтгин, у мени жуфти ҳалолликка олаятми ёки ҷуриликка? Мехри бир муддат жимиб қолди.

- **Синглим Асқарни аввал таниримдингиз?**

- Йўқ, у биздан икки маҳалла нарида туради. Тижорат билан шуғуланаркан. Онам: "Мени десанг, шу йилгита тегасан. Ота-онаси бадавлат, баобрў инсонлар

бўлсангиз, бундай қилманг деб маслаҳат берган бўлардим. Чунки тўйи қайтган қизга одамлар назар билан қарашди. Йигитингизнинг сизга муомаласи борасида тўхталсак, унинг ўй-ю хаёлида тижорат ишлари айланади. Сиз илм-маърифатсиз ҳаётни тасаввур қила олмайсиз. Ҳаётда ҳеч бир муаммо йўқми, ечими бўлмасе. Бунинг учун муштаҳкам ирода, бир-бирини тушуниш, муро-са мадора деганларидек, тўғри йўл бўлмасе, айланад ўтиш сўқмоқлари бисёр. Насиб бўлса ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Тахририятимизга қадди-қомати келишган бир аёл кириб келди. Юз-кўзидан босиқлик, самимийлик нуллари ёғилиб турарди.

- **Уш келибсиз, - дедим.**
- Ўқитувчи бўлиб ишлайман, - дея гап бошлади ўзини Назира деб таништирган аёл. Мана, ёшим ҳам 40 ни қоралаб қолди. Сиз билан биз энди ҳаётнинг анча-мунча аччиқ-чучугини тотган одамлармиз. Бир-биримизни тушунагимиз деб ўйлайман. Турмушим бузилган. Бир қизим бор. Яқинда 8 ёшга тўлди.


- **Нима сабабдан ажрашгансиз?**

- Институтни тугатгач, бой-бадавлат бир оилага келин бўлиб тушдим. Қайнонам бизнинг ўрта ҳол оила эканлигимизни била туриб ўзига муносиб кўрганди. Лекин тўйдан кейин: "Қизим, ёшингиз ҳам 17-18 да эмас. Шунча йилдан бери онангиз сеп тўпламаган экан-да", - деб биринчи бор иззат нафсимга текканди. Шу бир оғиз гап учун юра-

- **Болангиз билан уйга ўтириб олмадингизми? Қонун сиз тарафда эди-ку.**

- Йўқ, гурурим йўл қўймади. Бу ёғини эшитсангиз, кейинги келинчини ҳам сизгидрмади шекилли, тез орада у ҳам кўч-кўрони кўтариб ота-онасиникига кетиб қолди. Қисқаси, эрим мендан кейин яна бир неча бор уйланди. Ҳозирги хотинига ҳам кўнглимсиз эмиш. Ундан қизи бор. Эрим гоҳида ўғлини кўргани келади. Мен уни кўкрагидан итармайман. Лекин кейинги пайтларда келиб, кечирим сўра, "Ярашайлик", - деб йиғлайди. Унга раҳим келса-да, кўксимда бир муз бор. Мен ўн йил бевалик тамғаси билан яшадим. Менга одам қўйганлар ҳам, иккинчи хотин қилиб олмоқчи бўлганлар ҳам бўлди. Лекин уларга кўнглим "жиз" этмади. Эрим ҳам иккинчи хотин қилиб қайтадан никоҳига олмоқчи. Менга яримта эр, яримта оила, яримта бахтинини кераги бор?

ДИЛДАГИ МУЗ



ЭРИРМИКАН?

гим илк бора дарз кетди. Лекин қайнонамга ҳеч нарса деб гап қайтармадим. Аммо бора-бора бу каби майда-чуйда гаплар кўпайса кўпайдики сира қамай-мади. Инсон инсонни таъкиб этса, унинг ҳақ-ҳуқуқини поймол этишга ҳаракат қилса, камситса бунга ҳамма ҳам чидай олмасе керак. Институтда ўқиб оққорани таниганим учунми, қайнонамга бош эга олмадим. Тонгда туриб уй юмушларига шўнғисам. Эрталабки ва кечки нуруштани дастурхонга тортсам. Яна ишга ўз вақтида бориб келсам. Бир келиннинг қўлидан келгани шу-да! Эрим эрталаб чиқиб кетиб, кеч қайтарди. Қайнонам эса менга ҳам қайнона, ҳам эр ролида буйруқ беришга ҳаракат қиларди. Бу менга оғир ботарди. Бир куни аразлаб ота-онамникига кетдим. Орадан бир ойча вақт ўтиб ота-онам эримникига келтириб қўйишди. Қайнонам ҳам, эрим ҳам: "Ўзи келар ёр-ёр, ўзи келар ёр-ёр", - деган назар билан қарши олишди мени. Нақадар ер билан яқсон бўлганимни юрак-юрагимдан ҳис қилсам-да, чидаша ўзимда ирода топдим. Лекин қайнонам бир поғона баланд кўтарилганини ҳис этиб, тўғри ишимдан ҳам хато топа бошлади. 3 ойдан кейин яна аразлаб кетдим. Бу охириг кетишим эди. Эрим томондан ҳеч ким мени йўқлаб бормади. Мен ҳам бош эгитини ўзимга эп билмадим. Бир йилдан кейин эрим ўтириб қолган бир қизга уйланиб олди.

- **Ҳали ёшсиз. Тақдирингиз бошқа бир инсон билан қўшилди ҳам дейлик. Фарзандингиз бунни қандай қабул қиларкан?**

- Мен ўн йил муз бўлиб яшадим. Ундан кўра ёниб яшаганим афзал эмасми? Шундай ҳол юз берган тақдирда ҳам, бир кун келиб ўғлим албатта мени тушунади.

Назира билан анча гаплашиб ўтирдик. Уйчан қорачилирида бўзариб отаётган тоннинг акси намобн эди. У бошқаларга ўхшаб йиғлаб-сиқмади. Эрини ҳам, қайнонасини ҳам айбламади. Аксинча, шундай бўлишида барчамизнинг улушимиз бор деган фикр билдирди. Сўзининг сўнггида: "Эрим гоҳи ўғлини кўргани келганда: "Назира, сен мени эр қилиб ололмадинг", - деб қулади. Мен ҳам: "Сиз мени хотин қилиб ололмадингиз", - деб жавоб берман. Хуллас, биз бир-биримизга бош эга олмадик. Кейинги пайтда ўтган, ўтаётган умрим ҳақида ўйлаиб, нотўғри яшайманми, деб ўйлаиб қоламан. Юртдошларимиз бирон маслаҳат беришармикан, деган ниятда келгандим", - дея ерга қаради аёл.

Назиранинг қариндош-уруғлари: "Эрим билан яраш, кундошинг билан ишинг бўлмасин. Кўз очиб кўрагининг", - деб айтишаркан. Унинг эса қўксига ўн йиллик муз бор. Бу муаммонинг тўғри бир жавоби бормикан?

НОДИРА

“Меҳрдан куч олиб яшанг!” - 19-сон

ЭСЛАТМА: Эрим билан фарзандларимизни араоқлаб ўстирдик. Кейинчалик эрим тез-тез ғойиб бўладиган одам чиқаради. Билсам у ёнимиздаги уйда яшаيدиган бир енгилтак аёлга алақашибди. Қайнота-қайнонам удан кетишимга йўл кўйишмайди. Эрим эса... Энди нима қилай? Эримни кечирайми ёки?..
Муаллиф: Гулбашакар

келин оғир бетоб бўлиб ётиб қолибди. Лекин эри уни Тошкентга олиб бориб даволатиб, хотинининг меҳрини қозонибди. Хозир улар аҳил оила бўлиб яшамоқдалар. Уятга қайнониси-ю, ўша юзсиз аёл қолди. Ишга келаётсам, анча ёшга кириб қолган бир кампир аччиқ-аччиқ йиғлаб ўтирибди. Ҳолаҳволини суриштирсам бугун қишлоқда

ундай одамга қизимиз. Энди уни юбормаймиз”, - дейишди. Ярим тунда тугунимни кўтариб, эримникига кетдим. Ҳеч нарса билмагандек юмушларимни қилиб юравердим. Бунга тоғам чидай олмади. Боласига одам юбориб, мен билан яшашини қаттиқ тайинлади. Лекин у отасининг айтганини қилмади. Шунда тоғам ўғлига: “Синглимининг қизини хафа қилиб, ундан ажралсанг, сендан у дунё-бу дунё розимасман. Етдим деганда йиқилгайсан”, - деди. Мен уйга қайтиб бошқа эрга чиқ-

ЭССИЗ, ОНАНИНГ КЎЗИНИ ЁШЛАБСИЗ...

Мақолани ўқидиму, ўз онамни эсладим. ...Онам 47 ёшда вафот этдилар. Бизлар тўққиз фарзанд бўлиб, мен тўнгичи эдим. Онам вафот этганларида уч опа-ука оилалик бўлганмиз. Қолганлари ўз кунига қолдилар... Онамни нима учун эслаб кетдим? Чунки шу даврга қадар қалбимда ўз-ўзимни кечира олмайдиган бир дард бор. Турмуш ўртоғим Тошкентда ўқир эдилар. Менинг кўлимда бош фарзандим, ёнимда икки қайнсинглим ва бир қайноғам бирга яшар эдик. Қайноғам вафот этганидан кейин қайнотам иккинчи хотини билан “дом” олиб чиқиб кетишди. Қайноғам ва қайнсинглиларим мактабда ўқишар эди. Онажоним ўқитувчи эдилар. Мактабга бориш йўллари бизларнинг уйимиз олдидан ўтар эди. Ҳар куни ишдан қайтуғларича бизларникига кирар эдилар. Еб-ичишимиздан, кичинтойимнинг аҳолидан хабар олиб турардилар.

“Она кўзини ёшламамг”-31-сон.

ЭСЛАТМА: Эрим автоалоқатла вафот этиб, уч фарзанди не азобда ўзим боқиб катта қилдим. Бирин-кетин қизларим катта бўлади, ўқитами, турмушга узатдим. Бугунги кунда роҳат-фароғата яшашим учун ҳамма имконият бор. Аммо катта қизим талбиркор бўлиб, боиб кетгач, феъл ўзгарди. Ўйша борсам, келган меҳмонларга мен ҳақиқатда «қишлоқдан келган меҳмон»,-дея таништирдим.
Муаллиф: Ҳ. Ҳотамбоева

СИРА ҒАМ ЧЕКМАНГ!

Юраклари ёниб турган синглинам Фарангизхон! Бошингизни баланд кўтаринг! Чунки сизнинг жигарларидан ҳам минг чандон ардоқловчи меҳрибонларингиз бор экан. “От айланиб, қозигини топади”, фақат сабрли бўлинг, ҳамма дардингиз давоси вақт. Меҳридарё қайнота-қайнонангиз сизни хурмат қилишни кўриб, баъзиларнинг келинларига муносабатини ёдладим. Кўли косов, сочи супурги бўлиб, шуларнинг дуосини олиш учун тиниб-тинчимас келинларингиз эсладим. Баъзилар, “Келиннинг вафасига, келин дегани супурги бўлади. Қаерга қўйсанг, ўша ерда ўрнашади”, деб одам ўрнида кўришмайди. “Бяман бир отананинг оқу қораси, дуру гавҳари, унга озор берсак, ота-онаси ранж чекади”, дейишмайди.



Шу ўринда бир воқеани эслаб ўтишни жоиз билдим. Бир йигит шаҳарлик бир қизни севиб уйланди. Қиз чевар эди. Қишлоққа ҳамманинг меҳрини қозониб улгурганди. Ўзи гўзал, ширинсўз, ажойиб келин эди. Не бўлидими, йигитнинг боши айланиб бир аёл билан тасодифан учрашиб, у билан бирга бўлиб қолибди. У аёлига мажбуран шундай бўлганлигини айтиб, узор сўрабди. Қайнона келиннинг оёқости бўлишини кутиб юрган эканими, тезда у юзсиз аёл билан бордикелди қила бошлабди. Бу хўрликларга чидай олмаган

ЧЕКМАНГ!

дим. Ўғилли, қизли бўлдим. Эрим билан бахтли яшадим. Афсуски, биринчи эримнинг турмуши кўнгилдагидек бўлмади. Тўнгич ўғли 20 ёшлигида, иккинчиси 30 ёшлигида, кенжаси 40 ёшлигида тасодифан оламдан ўтишди. Уч кун бўлганди, тушимга кирибди. Отдашим: “Мана кенжаним олиб кетаяпман, ота қарғиши ўқ дейишгани чин экан, наслим етдим деганда йиқилганди”, деди. Бошқага уйланиб кетган собиқ эрининг бошига тушган кўргуликларига йиғлаб ўтирган бу кампирга ҳам ачиндим, ҳам ҳавасим келди... Азиз синглим! Қарияларнинг дуосини олинг, фарзандларингизни буюк ватанимизга садқотли, меҳрли, ғайратли қилиб тарбияланг, улар одоби ва меҳнати ортидан фалончининг онаси бўлиб, елкангизга шамол тегсаю, эрингиз номусдан ўлсин!

“Сабр таги сариқ олтин”, дейишди. Сикилавериб, ётиб қолсангиз, фарзандларингизга ким қарайди?... Ажрашганингизда қарғаям сизардингиз? “Чиққан қиз чигирикдан ташқари”, дейишди. Яна жуда сулув бўлсангиз, гап-сўз орттириб нима қиласиз? Айтишадик-ку: “Тул хотиннинг бошига Бухородаги қарға учиб келиб ахлат ташлабди”, деб. Тухмат-бўхтонлардан худо сақласин. Сизга сабр ва соғ-омонлик, келажагингизга оллоҳнинг нурини тилаймиз.
Фотима БОЛТАЕВА.
Хоразм вилояти,
Кўшқўпир тумани.

Сездимки, кетишдаги кайфиятлари тушкун. Бир оздан кейин онам ўтирган жойларига ўша синдириб олинган оқ гулли дарахт шохчасини кўрдим. Шунчалар эзилганманки, ўшанда. Хозир ўзим 64 ёшдаман. Ҳали ҳамон ўшанда онажонимнинг баҳорий кайфиятларини ер-парчин қилганим учун ўзимни гуноҳкор ҳисоблайман. Тўққиз фарзандни не азобда дунёга келтириб, бирортасизнинг уйимиз тўрига ўтириб, бир пайла чойимизни роҳатланиб ичиш насиб қилмаган онажонимни бир оғиз ўйловсиз гап айтиб, хафа қилдим деб эслаймиз. Ҳа, Улжон қизим, афсуски, кейинги пушаймоннинг фойдаси йўқ. Онагиз суянчингиз, меҳрибонингиз. Болаларингизни ҳам онагизга қарши қайрабсиз. Эртангизнинг ўзингизнинг бошингизга онагизга қилган хурматсизлигингизни солишади. Бу турган гап. Ҳалиям кеч эмас. Онагиздан кечирим сўраг. Оналар кечиримли бўлади.
Адолат РАҲИМОВА,
Қарши тумани.

АЁЛ ЭРНИНГ МУРАББИЙСИ

Ҳурматли Умирбек ўғлим! “Турмуш шароитимдан, ҳаётдан кўнглим совиб кетди”, деб эзибсиз. Сизнинг энг катта хатоингиз, айбингиз бошдан эркаклик ролини кўлга олмангиз. Ҳурматли келин! Болаларингизнинг келгусини чуқур ўйлаб иш тутинг! Катта ўғлингизга машина олиб берибсиз, у сизни истаган жойингизга олиб борар экан. Лекин отани менсимай, уни назарга илмай яшашнинг ўзи катта гуноҳ. Бойлик, амал, давлат ҳаммаси ўткнчи. Ҳурматли Умирбек ўғлим ва келин! Сизлар эр-хотин ҳаётда қандай камчилик ўтган бўлса-да, бир-бирингизни кечириб, бир-бирингизнинг дилингни оғритмай, болалар тарбиясини ўйлаб, маслаҳатлашиб яшасанлар ёмон бўлмасди. Оз вақтдан кейин фарзандларингизни уйлан-

“Оиламни изиммга соламан, деб...”-23-сон

ЭСЛАТМА: 25 йил уйим-жойим деб елиб-югураим. Аммо, хотиним бирор марта яхши, хурмат билан муомала қилмаган. На уй, на болалар тарбияси билан иши йўқ. Қайнонамга бу ҳақда айтсам: Ўзинг ландоув бўлсанг, хотининг нима қилсанг?-асида. Болаларим эса онасининг измида. Нима қилсам экан?
Муаллиф: Басира


тириш ташвиши тушади. Ана шунда оилада эрнинг ҳам, хотиннинг ҳам бир-бирига фикри керак бўлади. Худодий эркакни ҳам, аёлни ҳам бевақт айрилиқ азобидан асрасин! Аёлнинг эри вафот этиб, ёлғиз қолиши ёмон, эркакнинг эса ёлғиз қолиши ундан-да ёмон. Ҳаётда ҳеч ким турмуш йўлдошининг ўрнини боса олмайди.
Ғайнижамол АБДУЛЛА
қизи,
Тошкент шаҳри.

СОДДАЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА!...

“Муттаҳам табиб” (48-сон)
Мақоласини ўқиб шу қарорга келдим. Наҳотки, муттаҳам табибнинг чиройли келинчаки бир хафта ташлаб кетиши кераклиги таклифига қайнониси кўра биллиб туриб кўнса? Келиннинг ақли-чи? Яна буни кўриб, биллиб эшитиб турган нафс қурбонлари бўлмиш сомсапазлар-чи? Демак, гуноҳорларни кўра била туриб, ўз манфаатимизни ундан устун қўйиб, яна бадтар гуноҳларга ботаяпмиз. Керак бўлса келажак наслга харом-харишлар аралашувига бемалол йўл кўйиб, шароитлар яратиб бераяпмиз. Ахир за-

монавий ўзбек тиббиёти фарзанд кўрмаётганларга ёрдам беролмайптими? Керак бўлса, эрхотинларни баробар текшириб, касаллигини топиб, даволаб, ўзларининг иштирокида, ҳақиқий, пок фарзандлар дунё юзини кўришлигига замонавий тиббиёт имкониятлари кенгайтириб борапти-ку!... Содда беморларимиз ҳақиқатда ҳам кўп. Сохта табибга бориб кузатсангиз, ҳатто ҳақиқий врач, ҳақиқий тиббиёт профессорларидан ўзларини устун қўйиб юборади. Ҳатто шунга одамларни ишонтира олади ҳам. Чунки у ҳам “ишига пухта” да, ҳатто даволаш учун тегишли идорадан олган “хўжат” игача кўрсата олади, керак бўлса

ўзларини ҳатто рақиб даволаётгандек туттишади. Ҳақиқий текшириб келса, бу табиб тиббиётдан бир соат ҳам дарс олманган бўлиб чиқади. Нарв бурса, биолог ўқитувчи, ё бўлмаса зоотиббиёт ходими (мол доктори) бўлиб чиқади. Шундай қилиб, ҳақиқий дардини даволатиб бўлгунарча, касаллигининг асорати авж олиб, вақти ўтиб, ҳатто бечора бемор ногиронликка лойик бўлиб қолади. Кўзани каттароқ очайлик дўстлар! Соддалик ҳам эви билан-да!...
Неъмат ОРИФ,
шифокор,
Анджон вилояти,
Ҳўжабод тумани, Бобур қишлоғи.



ЯХШИ ИНСОН ЭДИ...

Шу йилнинг авжи баҳор кунлари. Ер юзини яшиллик безатиб, атиргуллар барқ уриб очилганида, жийда гуллари хушбўй атрини таратганида куваликлар би-ир "оҳ" чекишди. Етти яшардан етмиш яшаргача танийдиган зийнатли, иззатли бир инсон - Муҳаммадjon Носиров 62 ёшида автоҳалокатдан вафот этди. У соғлигидан шикоят қилмасди. Бир соат тинч ўтиролмасди. Ўша кун ҳам кўли машина рулида, ишга ошиқиб бораётган эди...

Кувада туғилиб ўсиб, ҳамқишлоқларининг болаларини ўқитиб, элга танилган Муҳаммадjon Носиров Кувада райкомнинг биринчи котиби ва мустақилликка эришган кунларимиздан бошлаб, муттасил 11 йил Кува тумани ҳокими бўлиб ишлади. 2001 йилдан то сўнгги нафасигача Ўзбекистон касабга уюшмалари Фарғона вилояти Кенгашида қишлоқ хўжалиги ишлари бўйича тажрибали мутахассис сифатида фаолият кўрсатди. Бу ерда ҳам обрў эътибор топди.

У хулқи эзгу, сўзи эзгу, феъли кенг, одамохун инсон эди. Ватанпарварлик, халқпарварлик хислатлари ҳар бир сўзида, ишида, муомаласида сезилиб, кўриниб турарди.

Носиров ўзининг жонажон Кувага, унинг бой тарихи-ю меҳнатсевар одамлари билан чексиз, чегарасиз фазрланарди. Пахта, пилла, дон, шоли, мева-чева етиштиришни кўпайтиришга куваликларни сафарбар эта оларди. Кувада аллома олим Ал-Фарғонийнинг маҳобатли мажмуаси яратилишига, ўнлаб ажойиб қурилишларга, боғ-роғлар барпо этилишига бош-қош бўлди.

У биринчи навбатда Куванинг кекса отахону онахонларини, меҳнат фахрийларини ҳурмат қилар, уларнинг иззатини жойига кўярди...

Муҳаммадjon ака гулни яхши кўрарди. Кувани ҳам, ўз ховлисини ҳам гулзорга айлантирарди. У шоирларни, санъаткорларни ҳурмат қиларди. Ва куваликларнинг ярми шоир, ярми санъаткор бўлиб кетишди.

- Бизнинг Куваимиздан Таваккал Қодировдек ҳушовоз ҳофиз чиққан. Бизнинг Куваимизда газалхон шоир Шокирхон Ҳакимий яшаган.

Моҳир созанда Абдуҳошим Исмоилов, овози ширин Султонали Маннопов, Абдулҳай Каримов, Маҳмуд Тожибоевлар, шоира Зухра Алиевалар ҳам Куваимизнинг фахру ифтихори, - деб гурурланарди. Уларни доимо кўллаб-қувватларди.

Унинг бировга қаттиқ гапирганини, инсон дилини оғритганини ҳеч ким кўрган, эшитган эмас. Муаммоларни, камчиликларни оғир-босиқлик билан яхши гап ва мулоҳаза билан ҳал қилишга уринарди. Кечиримли, фикр-мушоҳадалари инсон эди.

Муҳаммадjon ака умр йўлдоши Муборакхон ая билан бир умр ахил-иноқ яшаб, ўғил-қизларни яхши тарбиялаб, эл-юрт хизматида камарбаста қилишди. Яхшилар билан куда бўлишди...

Унинг одамгарчилигидан биз ҳам озми-кўпми баҳра олдик, дейишим мумкин. Бир умр Тошкентда яшаб, ишлаб, нафақага чиққач, умр йўлдошимнинг она юрти Кувага келдик. Кайнона-қайнотам яшаб ўтган чекка қишлоқда бошпана курдик. Бундан хабар топган зийрак Носиров кўчамизнинг асфальт қилинишига ёрдам берди. Ёшу кекса ҳамма қувонди. Айниқса, мактабга қатнайди-ган ёш болалар яйраб қолишди. Бу ерда ўтказган тўйларимизга у бош бўлди. 60 ёшимни муборакбод этиб, уйимизга савлат тўкиб кириб келди. Ва шоирона сўзлар айтиб, дилимизни хушнуд этди.

Афсус, ҳаётлик пайтида мен Носиров ҳақида ёзишга тортиндим. Аслида яхшиларнинг ўз вақтида мадҳ этишни, фазилатларини овоза қилишни унутмаслигимиз керак экан.

Яхшиликларингиз у дунёда бошингизга соябон бўлсин, эй бебаҳо инсон! Яратганингиз ўзи сизни раҳматига олсин. Куваликлар сизни ҳамisha: "Носиров яхши инсон эди", деб меҳр ва ҳурмат билан эслаб юришади. Муборак исмингизни набираларига қўйишади. Шу жумладан мен ҳам!

Санъат МАХМУДОВА,
Фарғона вилояти,
Кува тумани.

УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

Барака ака Темиров камтарин, кўнгли очик, фидойий инсон эдилар. Шундай забардаст, энгилмас, моҳир спортчи бахтсиз тасодиф қурбонига айланди.

Барака Темиров иккимиз бир мактабда ўқиганмиз. Қизилтепа туманида жойлашган Алишер Навоий номидаги ўрта мактабда ўқувчиларни спортга жалб қилишга жиддий эътибор берилган эди. Барака ака ўқувчилик давридаёқ спортнинг волейбол, энгил атлетика турлари бўйича ўтказиладиган мактаб ва туман мусобақаларида фаол иштирок этиб мактаб шавъини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатар эдилар. Куйи синфда ўқийдиган мен каби спортга қизиққан болаларга эринмай ўз билганларини ўргатар эдилар. Шу боис мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ биринчи тоифадаги волейболчи номига сазовар бўлганлар. Имтиёзли йўлланма

1960 йилда Жисмоний тарбия институтига ўқишга кирди. Илланувчанлиги, халоллиги боис институтдаги талабалар орасида алоҳида ўрин топди. 1965 йилда мазкур институтни имтиёзли диплом билан тамомлади. Институт раҳбарлари, талабалар

орасида ўтказилган бир қанча спорт мусобақалари ғолиби сифатида совриндор бўлиб ном қозонган бу Алпомиш келбатли йигитнинг қўлига катта ишонч билан Бухоро муаллимлар тайёрлаш институтига йўлланма тутқазилди. Бу ишончдан юраги гурурга тўлган йигит: «Ҳаётимнинг сунгги дамларигача, бор умримни спортга, элимнинг спортдаги нуфузини оширишга бағишлайман!» дея ўз-ўзига сўз берди.

Бир сўз билан айтганда шундай бўлди ҳам. У умрининг сўнгги дамларигача эл-юрт дарди билан яшарди. Ўзи чиникди, шогирдлар тарбия қилди, спорт устаси даражасига етди. Даставвад Қизилтепа туман спорт кўмитасининг раиси, кейинроқ саксонинчи йилларда эса Бухоро вилояти «Пахтакор» кўнгилли спорт жамоияти раиси лавозимида ишлаб вилоят спортининг жаҳон аренасига кўтарилишига кўмакдош бўлди.

1980 йилда Москвада ўтказилган жаҳон олимпиадасида ҳакамлик қилиш даражасигача бориб етган бу ўзбек ўғлони нафақат спортчи, балки моҳир ва меҳрибон узтоз ҳам эди.

Б. Темировнинг қилган хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб баҳоланди. «Ўзбекистон халқ ташлими аълочиси» кўрак нишони, 2001 йилда эса «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди. Ўзининг 64 йиллик умри давомида «Спорт тинчлик элчиси» шioriга амал қилиб



ўзбек спорти ривожига катта ҳисса қўшди. Оқил, жисмонан соғлом шогирдлар етиштириш орқали ўзларига мангуликка ҳайкал қўйиб кетдилар. Юзлаб шогирдлари орасида Я. Аслонов, Я. Бердиев, И. Жўраевлар каби эл танийдиганлари бор.

Барака Темиров нафақат яхши мураббий балки, вафодор эр ва меҳрибон ота ҳам эдилар. Умр йўлдошлари қўли гул шифокор Сабоҳат опа билан бирга тўрт қиз икки ўғилни эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбияладилар, ҳаммасини олий маълумотли қилиб эл хизмати учун шайладилар.

«Умрлар бўладики, тирликдада ўликдир, умрлар бўладики ўлганда ҳам тирликдир». Барака ака Темиров фарзандлари, дўстлари, шогирдлари қалбида яшайди. Юртимизда шундай танти, элсева, фидойий ўғлонлар кўпаяверсин!

Эргаш АТОЕВ,
Навоий вилояти.



Хотиралар гирдобига шўнғганимда акамни, ҳаҳа, ота ўрнида ота бўлиб, бизларни воёга етказиб ўстирган акамни эсламасдан чечам иложим йўқ. Акам - Сафаров Норкул бир неча йил Самарқанд архитектура институтига ўқитувчи бўлиб ишлаб, 2000 йил арафасида Тошкентга халқ ташлими вазирлигига ишга ўтган эди. Акам 2004 йил ёз ойларининг бирида Хоразмда фожеали равишда оламдан ўтган.

Тақдирнинг аччиқ зарбалайдиган киши дастлаб осанкираб қоларкан, лекин вақт ўтгач эса, кўниб-кўниб, бардош билан яшаркансан. Бошқа нима ҳам қилардик. Биз - опа-сингиллардан ҳам онамга жуда қийин

АКАМНИ ЭСЛАБ...

бўлди. Фарзанд доғи онамни адоий тамом қилди. Онамни кўрсам, бўғзимга оловдек бир нарса тикилади, сўзларимни ҳам ниҳоясига етказолмай қолам. Тақдирнинг аччиқ қисмати-дан, бешафқатлигидан, йиғламоқдан армон қолмади, онамда!

Аслида бизлар отамиз Низом отадан жуда эрта ажралганмиз. Ўшанда акам чамада 17-18 ёш, биз сингиллар ундан-да ёш эдик. Акам оилада каттаимиз бўлгани учунми, оиланинг барча оғир-энгил ташвишларини бўйнига олиб, онамга ҳаёт аравасини тортишда умрининг охиригача қанот бўлганлар. Қийналиб, ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, бизларни уйли-жойли қилдилар. Мен Самарқандда - акам ва унинг оиласи билан бир жойда ёнма-ён салкам 25 йил бирга яшардим. Яхши-ёмон кунларимда, кўнглим шодликларга тўлганда, баъзан арзимаган нарсаларга хафа бўлиб юганимда, дилимга акин бир инсон акам эди. Акамга жуда ўрганиб қолган эканманми, иши ўзгариб Тошкентга кўчиб кетаётганда роса қуйиниб йиғлаб-

ман. Энди эса ўзи йўқ, ундан-да зор-зор йиғлаб қолдик.


Баъзида ўзимга-ўзим таскин бераман. Худого шукр, акам озми-кўпми 50 йил яшади. Хонадон чирогини ёқиб турадиган ўғли Санжари, кунда бўлмаса ҳам кунора эслаб турадиган қизлари Ноила, Нилуфар бора. Элу юртга, жамиятга, одамларга анча фойдаси тегди. Фақат кўнглим яна ўксиydi, энди хузур-ҳаловат кўраман, деганларида Оллоҳ уни ўз марҳаматига олди.

- Уғлим! - дея нидо қилдилар баъзан онам учиб-учиб титраётган лаблари устидан ёшлари қуйилиб. - Сен тириксан, токи мен, фарзандларинг бор экан, уларнинг қалбида абадий тириксан!

Тингладим, тингладим
қўхна нолангни,
Кипригим ортидан сизди
кўз ёшим.
Дарров олмоқ эдим, қўлга
қаламим,
Оҳ, яна кўнглимни бузди
кўз ёшим.

Оилангиз, сингилларингиз
номидан—**ЖАМИЛА,**
Самарқанд шахри

ДУШАНБА 24



6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 7.00 'Сарой жавоҳири'. Теле-сериял.


15.40 'Ватанпарвар'. 16.40 'Мозий сирлари'. 17.00 'Ахборот'.

си'. 17.45 Ижтимоий химоя йили: 'Матонат'.




17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 Мультифилм: 'Шуке ва Бэйта'.

бўлинг' /рус/. 20.00 'Пойтахт' ахборот дастури /рус/.




7.00 'Бодрое утро'. 8.00 'Талкин'.

18.30 'Хабарлар' (рус) 18.50 'Мусликий тайм'.



07.00 Ўзбек навалари 08.00 'Жассига ухшаши йук' 35-серия (такрор)

5.00 Телеканал 'Доброе утро' 9.00 Новости




15.00 'Понять. Простить' 15.50 'Лолита. Без комплексов'

5.00 'Доброе утро!'. 8.00 'Артист забытого жанра. Владимир Шубарин'.

12.15 'Модный приговор' 13.25 'Детективы'

СЕШАНБА 25



6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 7.00 'Сарой жавоҳири'. Теле-сериял.


16.30 ТВ анонс. 16.35 'ИИВ хабарлари'.

13.00 'Давр'. 13.10 'Мўъжизавий дунё'.



7.30 Салом, Тошкент! 8.35 'Камила'. Теле-сериял.

18.50 'Камила'. Теле-сериял. 19.25 'Муслика SMS'.



7.00 'Бодрое утро'. 8.00 'Хабарлар' (рус)

TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек навалари 08.00 Сериял 'Жассига ухшаши йук' 36-серия

07.00 Телеканал 'Доброе утро' 9.00 Новости




5.00 'Доброе утро, Россия!'. 8.00 'Тени исчезают...'

11.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 11.50 ПРЕМЬЕРА 'Затерянные на острове'.

14.40 ПРЕМЬЕРА. Екатерина Кабак, Мария Климова, Степан Старчинок, Галина Польских, Олег Морозов и Дмитрий Мартынов в телесериале 'Мачеха'.

ЧОРШАНБА 26



6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 7.00 'Сарой жавоҳири'. Теле-сериял.

10.25 'Худудлар ҳаёти'. 10.40 'ИИВ хабарлари'.


16.40 'Эркин иқтисодиёт'. 17.00 'Ахборот'.

14.55 'Сув - ҳаёт манбаи'. 15.00 'Янги кун'.

5.00 Телеканал 'Доброе утро' 9.00 Новости



7.30 Салом, Тошкент! 8.35 'Камила'. Теле-сериял.



7.00 'Бодрое утро'. 8.00 'Хабарлар' (рус)

TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серилал «Жассига ухшашли йук» 37-серия (такрор)
08.30 Ўзбек наволари
10.00 «Премьера» (рус)
10.30 Ўзбек наволари
Шу бўлиб, кеч кирганида Озод туғруқ-хонага борди. Хотинининг кўзи ёриган экан, қиз кўрибди. "Ёлгон ҳамиша ёл-гонни тугади", дейишади уламолар. Ҳалима эри унга тўрт ой бурун дўхтир-ларга кўрсатиб, "ўғилми-қизми экани-ни билиб кел", деганида дўхтирга бора олмай "ўғил экан" деб ёлгонни тўқиб юборгани эсига тушибди, "балого қол-дим", -дея яна ўйламай-нетмай (Ҳа, ёл-гончилар ўйламайдилар!) атрофдагилар-га "эримга ўғил деб айтинлар", дея пух-талаб қўйди. Бир замон Озод туғруқхо-нага қираётган эди, ҳамшира қиз унга "ўғил муборак бўлсин!" деб юборди. У ўзида йўқ хурсанд бўлиб, суюнчини кат-та қилиб унга узатди. Қўлидаги пакет-ларни ҳам унга тутқазди. Шу бўлиб, орқасига қайтди-ю, маҳалласидаги чой-хонага кириб ўн кишилик ош буюрди. Ўзи эса ёру-дўстларини қорлаб келиш-га кетди. (Ўзбекнинг тантлиги ўлма-син!). Сал ўтмай чойхона Озоднинг ул-фатларига тўлди. Зўр ўтириш бўлди. "Уч ўғилнинг қаторида яна бир ўғил мубо-рак бўлсин", деб ошна-оғайнилари уни қўчиб-ўпиб табриқлашди. Лак-лак тилак-истаклар билдирди...

Озод эрталаб бош оғригидан уйгон-са, қуёш кўтарилиб чошгоқ бўлиб қолиб-ди. Апил-тапил ювиниб-кийиниб онажон-исини олиб туғруқхона сари машина-сини бурди. Туғруқхонага кирган эди, илгаридан таниш бўлиб қолган доя дўхтирга рўпара келиб қолди. У Озод-га: "Энди, қиз муборак бўлсин!", -деди. Озод: "Қиз эмас, ўғил!", -деди. Доя дўхтир: "Хой, укажон, қизингизни мана шу қўлларим билан туғдириб олган мен биламанми, қаерларда кайф-сафо қилиб юрган сиз биласизми?! Фарзан-дингиз қиз", деб қулди. Озод ҳанг-манг бўлиб қолди. Туғруқхона ходимлари-нинг "Ҳай-ҳай" дейишларига қарамай у ичкарига югуриб кириб кетди. Қўрин-ганлардан сўрай-сўрай ниҳоят хотини-ни топди. Ҳалима эрининг ваҳожатини кўрди-ю, эсонаси чиқиб шоша-пиша: "Менга нотўғри айтишган экан!", -деб эрини яна аллади. Ёлгончилар кетма-кет ёлгон тўқийвергач, одамзод бори-га бўлса-бўлмаса ишониб қолади-да. Озод ўзи яхши кўрган, ҳозир уриниб ранг-пар бўлиб ётган хотинининг кўз ёш-ларини кўриб кўнгли бўшашиб кетди. Жаҳлидан тушди. Бирласдан кейин "Қиз, десанг", ҳам бўлар эди... Уч ўғилдан кейин қиз ҳам керак эди-ку, онаси", -деб хотинини опатиб, эркалаб қўйди. Шу дам онажониси қириб кел-ди. Келинини қачон, ўпиб "қиз хонадон кўрки", дея чақалоқ неварасига умр тила-лаб ҳаммининг кўнглини кўтариб қўйди. Бу гап бутун туғруқхона, ундан чиқиб бутун қишлоққа, маҳаллага, эшитадиган бор қуллоққа бориб тақалди. Ёлгонга ўрганган биргина тилинги ишини кўринг. Шу бўлибдики, Ҳалимага: "Ёлгончи Ҳалимаҳон", деб тахаллус қўйишди. Баъ-зилар эса ёқтирмай турганларида: "Ёл-гончи хотин" ҳам демасдан ихчамроқ қилиб "Ёлгон хотин", дейдиган бўлди...

Орадан тўрт кун ўтган, Озод қиз чақалого-ни билан унинг онасини бағрига босиб уйига олиб келди. Уч ака арзанда бир синглини "мен кўтараман", деб таллашиб қолишди. Чақалоқ ўн тўрт кунлик бўлганда эса унинг аққасига уч акасининг суннат тўйини қўшиб дадаси юртга ош берди...

Азимжон ҚОСИМОВ

ЁЛГОН



Ж
О
М
У
В

лари орасига ботиб кетгудай бўлиб. "Лақашкилдоқ" нима эканини у билмасди. Ҳалима шундай: "ёлгон", "мақтов" билан эгизак юради. Бирни туғилганида иккин-чиси ҳам туғилади. Мана ҳозир ҳам ёл-гонни тўқиган Ҳалима мақтовни ҳам тўқи-ди. Қўшнисининг кинояси унинг фаҳми-га бориб етмади. Ҳалима ҳамсоғисининг қармоғига илинди. Буни унинг ўзи ҳам тушунди ва мулзам бўлиб: "Айтмоқчи, "лақашкилдоқ" ўзи нимаиди? "Бор" деб юборибман", -деди, қизариб кетди. Учин-чи қўшни: "Вой, Ҳалимаҳон тушмагур-ай, шуниям билмайсизми? Уддабурон, аб-жир хотинлар эрмак қилсин, овуниб юр-син деб, эрининг қўлига тутқазиб қўяди-ган ёғочдан ясалган шақилдоқ ўйинчоқ," деди. Уч қўшни бир қўшниси устидан қулишди. Баъзи аёлларга бундан ҳам ортиқ кўнгли ёшиз бўлмаса керак!... Шу топ улардан бири: "Вой, мен ўлай, бузо-гим ечилиб кетган эди, онасини эмиб қўйди-ку!", -дея уйига югуриб қолди...

Ҳалиманинг қорнидаги ҳомиласи беш ойли бўлганида эри-Озод мамнулик изхор қиларкан, хотинига: "Қани хотин-жон, доя дўхтирларга бориб билиб кели-нг-чи, ичингиздаги болангиз ўғилми-кан, қизмикан?", -деди. Ҳалима: "Мунча ичиз қизимас. Сиздан фақат ўғил бўла-ди. Буниси ҳам, -у қорнига ишора қилиб. -ўғил. Мана кўрасиз", -деди тунги му-лоқотдан хушнуд бўлганини тўшақдоши-га етказмоқчи бўлиб. Эри: "Шундай бўлса ҳам, мен кўнглимни тўқ қилиб юрай, деяпман-да, Ҳалима! Ана у новвос-

Хаёлан кўкдами, осмондами, ҳаводами парвоз қилди. Олдинлари ўғиллари ту-ғилганида ҳам бу қадар боши осмонга ет-маган эди. Чунки, у ҳозир битта эмас, ик-кита эмас, нақ тўртга ўғилли бўладиган бўлди-да! Бу эса унинг учун обур! Унинг учун фахр! Шу топ "Ўзим ҳам росмана эр-как эканманми?! Сенга қойилман Озод!", -деган хаёлни кўнглидан ўтказди, у...

Ҳаш-паш, дегунча қолган тўрт ой ҳам ўтди-кетди. Ой кун тўлиб Ҳалимани тўлғоқ тута бошлади. Эри машинасида зудлик билан туғруқхонага элтиб қўйди ва хотинига: "Бу ўғлимни ҳам ўзим кели-б олиб кетаман. Сен ўзингни ҳам, уни ҳам эҳтиёт қил!", -деди, писанда қилган бўлиб. Озод маҳалла кўчасига қай-тиб келганда уч қизли бир улфати ма-шинасида тушмай ўтирган дўсти: "Ҳа, Озод, қаердан келаётибсан? Жа, озгин-қулоғингда", деб уни гапга тутди. Озод талтайиб кетиб, "Хотинимни туғруқхона-га қўйиб келаяпман. Худо хоҳласа, бугун-эрта яна ўғилли бўламан", -деди, ово-зини кўтариб. "Ўхшатмай учратмас", де-ганларидек, Озоднинг ҳам гоҳ-гоҳ хоти-нига ўхшаб бандан парвоз гап қилиб қўядиган одати бор эди. Дўсти: "Шунақа дегин... олдиндан биламан дегин. Май-ли, ўғилларинг қаторига ўғил қўшилсин, ўртоқ. Фақат ювишга мени ҳам қақирши эсиндан чиқмасин, хўпми?". -дея хайр-лашиб уйига кириб кетди. Онаси: "Ҳа, болам, келимининг кўзи ёридимми? Ўғилми, ё ҳолва?", деб сўраб қолди. (Шу ўринда ўқувчининг диққатини бир нар-

Раҳима хола келинининг ишларига махлиб бўлиб, унинг елиб-югуришига ич-ичидан севинаятган бир пайтда қизи болаларини етаклаганча кўча эшигидан йиғламосираб кириб келди.

Қизининг бу хонадондан учирма бўлганига ўн бир йил бўлаяпти. Ҳали-ҳануз аҳвол шу, арзимаган гапга аччиқлиниб, "кўчкўрони" билан келади-ўтиради. Холанинг олд фарзандлари қиз, яратган эгам умрининг охирида унга ўғил ҳада этди. Шу ўғлининг орқасидан бугун келинлик бўлган.

—Келин эмас, гавҳар, — дейди Раҳима хола, унинг бутун хатти-ҳаракатларини кўриб.

Оилада кетма-кет туғилган уч қиз анамана дегунча кўзга кўриниб қолди. Раҳима хола томонидан уларга буюрилган ҳар бир иш доим "сансалар" бўларди.

—Мен уйни супирдим, сен далани супур, — дерди биринчиси-иккинчисига.

—Мен сув ташидим, сен қозон-товоқни юв, — дерди учинчиси-иккинчисига. Хуллас, оиладаги арзимас ишларнинг миннати осмонча эди. Буни кўрган хола ишларни бирпасда ўзи саранжомларди. Ана шулар боис қизлари учун айниқса, кенжатоғ қизининг қайнона-сидан ҳам жуда кўп дакки эшитди.

—Кудагай, — дерди у, — қизингизга рўзгорининг игнадек иши туюдек кўринади. Сув шундоққина ҳовли саҳнидаги водопроводда, овқат пишириш газда, нон эса дўкону-бозорда. Лекин...

Қизини кўрди-ю қудасининг сўзлари хаёлидан топ этиб ўтиб, холанинг юраги ташвишга тўлди. Энг ёмони қизининг икки боласини етаклаб келиши янги келин олдида жуда хижолатли эди.

—Кувейнги "нон ёпиши ўрган" деяпти. Мен хамир қилиб нон ёпмайман, — деди Ситора онасига аламини тўкиб-солиб.


—Қизим, куёв тўғри айтибди. Ахир, ўтин чўп, ун, тандир ҳаммаси бор. Тандир бор ҳовлининг қут-баракаси бўлакча, ундан узилган оссик ноннинг ҳиди билан ҳеч бир неъматни тенглаштириб бўлмас...

Раҳима хола қизига насиҳат қор қилмаслигини билади, ҳали замон отаси ишдан келади, яна ўша машмаша...

—Енгларини шимариб олган келин, ошхонага кириб, ҳар кунгидек тушлик тайёрлайди.

...Бугун ўнинчи кун бўлса ҳамки, "чақирилмаган кўноқлар"га келин очик чехра билан муомалада бўлди. Хамир қориб, нон ёлди. Лекин на қайнонани, на қайнотани ёрдамга чақирди.

—Нонни пеш беришга ҳам чақирмасиз, — деди Раҳима хола тандирдан қуёшмонанд нонларни узаётган келинига.



Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

Ситора бу уйга ортиқча эканлигини дил-дилидан сеза бошлади. Келганига ўн кун бўлса, бу кунлар унга ўн йилдек туюла бошлади. Ҳар гал уч кун ўтгач, эри ёки қайнонаси келиб насиҳат қила-қила Ситорани ўз оиласига олиб кетишарди. "Агар уйимизга ташриф буюрган келинчакни аввалроқ кўрганимда,

Кийим-кечак бозорини айланиб юриб, аллақандай гала-ғовур устидан чиқиб қолдим.

— Уни қаерда қияди, тушунмадим?! Ахир ҳеч қаерда ишламаса, бунинг устига ота уйи икки ҳовли нарида бўлса?! - 45-50 ёшлар чамасидаги бир одам хун бўлиб қаршида йиғламоқдан бери бўлиб турган аёлга қаттиқ-қаттиқ гапирётган эди.

— Ҳўп дея қолинг жон дадаси, олиб бермасак қудаларнинг олдида нима деган одам бўламан, ахир? — аёл маҳзун товушда эрига ялинишга ўтди.


— Менга қара, ўша зормандани уч юз минг сўм деяпти. "Одамлар нима дейди?" деб 500 минг сўмга бўйинга тақадиган олдиридинг! Келин деганига хозирдан айтган нарчасини

сўз демоққа ботина олмаган. Ҳозир-чи? Тап тортмай, куёв томоннинг сарпо-суругини рад этиб, буниси ҳам етмагандай: "Ановини олиб берасан! Буниси керакмас", — деб шарт қўйишади. Наҳот юзимиздан фаришта кўтарилиб, ҳаё пардамиз очилиб бўлган бўлса?!...

Инсоннинг бахти тўқис бўлмоғи учун фақат бойликнинг ўзи камлик қилади. Бойлик, қимматбахо кийим-кечаклару, тақинчоқлар ҳеч нарса-ни ҳал қилмайди. Қанийди, қатта ҳаёт бўсағасида турган ёшларимиз бунни тўғри тушунади. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ҳурмат қилиш ҳар биримизнинг дунёқарашимизда шаклланса. Юқорида мен гувоҳи бўлган хунук манзаралар бўлмасмиди, ўшанда...

Маҳалламизга келин келди. Қишлоқчилик, ҳамма янги тушган келинни кузатмоқчи бўлди. Келинчак ҳовлини қандай супурар экан, қўйлаги қанақа экан, соч турмаги, дўпписи... Бир пайт тонг сахардан янги куёв қўлида сариёғ билан қўнадан кириб келди. Кўрган, бил-

ҲАЁТДАН ОЛИБ САБОҚ...



балки мен ҳам оиламни худди келинимдек алқаримдим. Рост, қайнона-қайнотам эрталаб чойни ўзлари дамбаб ичишади. Овқатни бирга тайёрласак ҳам хўмайиб тураман. Келиним-чи, келиним, эҳ, унинг юзидаги табассуми! Мен ҳам шундоқ бўлсам бўлмасмиди... — кўнглидан ўтказарди у, — агар хозирок оиламдан бирор киши келса, оғиз очмасдан дарҳол жўнардим". Ақсига олиб ҳеч ким келмади ҳам.

Маҳалла маслаҳатчиси ҳам уларнинг оиласига бир неча бор аралашган. Бугун ҳам Ситоранинг оиласидан хабар олгани келган маслаҳатчи, уни ўн кундан буён онасиникига жўнаган нидан воқиф бўлиб, Раҳима холаликка келди.

—Ассалому алайкум Раҳима хола. Келин муборак бўлсин! Қўллари кўксига бўлган Раҳима хола бир томондан суюнса,

ҳамки, қизининг ташрифидан норизо эканлиги шундоққина билиниб турарди. Ҳар гал оиласига хархаша билан қайтадиган Ситора эса бир оғиз гап қайтармай, маслаҳатчининг олдида турди. Қиз уйларини соғинган болақайлар эса шодумон.

Раҳима хола она эмасми ҳаммасини тушуниб турибди. Пойи қадам муш келиннинг ибратли ишлари таъсири Ситорага етарли. У қизи ва невалари билан хайрлашаркан, ахли донишларнинг:

Ким агар ҳаётдан олмаса таълим, Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим, — деган сўзлари пурҳикматлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилди.

Саодат РАҲМАТОВА, Навоий вилояти, Нурота тумани.

БАХТ ҚАНОАТДАДИР

олиб бераверадими?! Ҳали ўғлингни иморати ҳам чала. Бунинг тўйдан кейинги ҳаётини ҳам ўйлаётими?!

— Дадаси, одамни шарманда қилманг. Олиб бера қолайлик ўша пальто ўлгурни. Шунча харажати қилиб, биттасидан қочмайлик...

— Э, боре. Ол мановини, ўзинг биласан. Олиб берасанми, бермайсанми... — эркак шундай деб қўлидаги елим халтани аёлга тутқазди-ю, орқасига қарамай жаҳл билан тез-тез юриб кетди. Аёл шўрлик бир гўдрана-гўдрана юриб кетаётган эрига, бир ёнидаги бўлғуси келини ва аёлга келиннинг аммаси ёки холаси бўлса керак мунг билан термулганча нима қиларини билмай хайрон турарди.

Нари борса, икки ёки уч дақиқагина давом этган бу "томоша" кўпчилик сингари менинг ҳам кайфиятимни хуфтон қилди. Тўйда юрадиган раққослардек юз-кўзига алламболаларни чапала олган ҳалиги келинчакдан ич-ичимдан нафратлиниб кетдим. Ҳали ўзи бориб улгурмаган хонадонига ўзидан олдин дилсизхлик, ғурбатни юбораётти. Майли, ёшларни-ку ёш, ҳали ҳаётнинг оқ-қорасини унча тушунишмайди десак, қизларни олдида солиб куёв бўлмишнинг ота-онаси билан бозорга тушаётган амма-холаларимизни нима жин урди экан?! Бундоқ олиб қараганда, миллий менталитетимизда, урф-одатларимизда бўлғуси келин тўйгача куёвнинг қариндош-уруғларига кўринмай турган. Ҳатто, тўйдан кейин ҳам улар тик қараб бир

ганлар хайрон: "Кечагина тўй бўлган хонадонда ёйишга бир нима топилмасда-я?" Чиллалик куёв дўконма-дўкон изғиб юрибди..." "Вазият"га ўша хонадонга қўшни бўлган аёл "ойдин"лик киритди:

— Эрталаб, келинчак тўполок кўтарди. "Мен уйимизда эрталабки нонуштада сариёғ, туҳум ердим, сут ичардим. Сариёғ топиб келинг", — деди. Қўшни аёлнинг гапини эшитганлар "вой, биринчи кундан-а?" — деб лабларини тишлади. Биринчи кундан ўзи тушган оиланинг гапини кўчага чиқаришга улгурган келинчакка нима деб, қандай сўзлар билан баҳо бериш мумкин. Ўша қиз тарбияланган хонадоннинг муҳитиники, энди ўзингиз билиб олаверинг. Яна гап катталарга, уларнинг ёш авлодга бераётган тарбиясига бориб тақала-япти. Умидимиз, турмуш остонасида турган ёшлар, тенгдошларимиз ҳаёт аталмиш шиддатли тўқинларга тўла бўлган уммонга турган назар билан боқишсин. "Уни олиб берасиз, буни қиймайман", деб тўйдан олдин томоша кўрсатишган, борган хонадонларида "мен отамникида у ердим, бу ердим", деб қайнбўйинлар нафратига учрашдан ўзларини тийишсин. Зеро, моддият билан бахтга етишмоқ душвор, бирок, ҳокисорлик, камтарлик, камсукумлик ва қаноатнинг борар эри БАХТ аталур. Барчамизга сабрдан бунёд бўлган саодат ёр бўлсин.

Умида АДIZОВА, Бухоро шаҳри.

УМИД

Ташқарида алланиманинг гичирлаши эшитилди. — Эшик очилдиёв, — деди ҳазин овозда Салима буви ва рўмолини елкасига ташлаб чиқмоқчи эди, чол тўхтади: — Қаёққа? — Бир қараб келай. Биров келгандек бўлди. — Ўғлинг барибир келмайди... Гўрсўхта. Салима буви кўрпачага оғир чўқди. Эшик яна гичирлади. Салима буви тур-

моқчи бўлди-ю, чоли яна кўрслик қилишдан кўрқиб, ойнага унсиз қаради. "Ғийқ-ғийқ". Эшик гичирлаётгани аниқ эди. — Ўғлингнинг кетганига неча йил бўлди? — худди билмагандек сўради чол. — Ўн беш йил, — хўрсинди кампир. — Ўн беш йилда келмаган энди келармиди?! — Юрибди-да, Россияда ўрғиса уйланиб олиб. Пул ишлаб келамак, деб кетган сдам шунча йил юрадимми? Жилла курса ҳам фалон жойда ишлаяпман, деб хабар

қилиб қўймайдим? Келсин, бўғзига... — Ана, Кеңжавоининг ўғли Абдусаттор Тюменга борганда кўрибди-ку. Яна бироз пул ишлаб олай, кейин борарман, деганмиш. — Пули бошида қолсин, валаксалангни! Чолнинг аччиғи чиқди. — У тенгилар шу ерда ишлаб, уй эмас, қаср қурапти. Тўй-томоша қиялпти. Пул деб ҳамма нарсадан воз кечиш керак экан-да?! — Эшик яна гичирлади. Салима буви чолга қаради. Чол чидолмади. Ўзи ташқари отланди. Салима буви кўзларида ёш ҳалқаланиб,

мунгайиб ўглини эслаб кетди. "Жувонмарг ўлмагур, қаерларда юрибсан?" — Эшик очилиб қолди. Шамол "Ғийқиллатаётган" экан, — деб кириб келди чол. Улар бир-бирларига индамасдан ўтиришарди, лекин хаёлларида ўғилларининг сурати кезиб юргани аниқ эди. Салдан сўнг чол пинакка кетди. Салима буви деразага тикилиб қолди. Бутун вужуди билан эшик яна ғийқиллашини кутиб ўтирарди. Яхшиямки, дунёда умид деган тўйгу бор.

Гулшода ҚУРБОНОВА



ТЕЛЕФОНДА СЎЗЛАШИШ



Қоидалар тўплами

Телефон яратилгандан ва иш жараёнида алоқа воситаси сифатида қўлланила бошлагандан бери ўтган давр ичиде ўзига хос қоидалар ҳам шаклланди. Тўғри, улар телефонда иш юзасидан суҳбатлашиш жараёнида амал қилиш мажбурий бўлган, қандайдир қонулар билан мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар эмас. Аммо уларга риоя этиш, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, одамни суҳбатдош олдиде ўнғайсиз ҳолатга тушиб қолишдан асрайди.

Қўйидагилар мумкин:

→ Телефон гўшагини ҳар доим учинчи марта жиринглагандан сўнг кўтаришга одатланг. Биринчи марта жиринглаганда ишларингизни четга суриб қўясиз, иккинчисиде бўлгуси суҳбатга ўзингизни руҳан чоғлайсиз, шундан сўнг учинчи марта жиринглагач, гўшакни кўтариб суҳбатга киришасиз.

→ Уяли телефонда кўнғироқ қилганингизда гўшакни кўтаришларини беш марта гудок кетгунча кутинг. Мабодо шундан сўнг телефонни кўтаришмасе, ўчириб қўйиб, маълум вақтдан сўнг қайта кўнғироқ қилинг.

→ Кўнғироқ қилган киши билан саломлашинг, ўзингизни таништиринг (ҳатто суҳбатдошингиз сизни яхши таниса ҳам), фамилиянгизни, иш жойингизни ва лавозимингизни айтинг. Ўзингиз бировга кўнғироқ қилганингизда ҳам худди шу тарзда суҳбатни бошлашни маслаҳат берамиз.

→ Кўнғироқ қилган одам албатта иккинчи томондан ҳозир суҳбатлашишга имконияти бор-йўқлигини сўраши лозим. Мабодо айни пайтда бундай имконият йўқлиги ҳақидаги жавобни олса, қачон қайта кўнғироқ қилиши мумкинлигини сўраши керак. Агар сиз уяли телефонга кўнғироқ қилсангиз, бу иккинчи томоннинг абонент тўловига таъсир этиши мумкинлиги ёдингизда бўлсин. Шу туфайли "Шаҳар телефонингизга кўнғироқ қилсам майлими?" деб сўрашни унутманг.

→ Гўшакни ҳамкасби кўтариб, сиз сўраётган одам ҳозир йўқлигини айтса, қачон қайта кўнғироқ қилишингиз мумкинлигини сўраб олинг.

→ Суҳбатдошингизнинг ёши сиздан катта бўлса, исми шарифи билан, сизга тенгдош ёки кичикроқ бўлса, исми-айтиб мурожаат қилинг.

Бугунги кунимизни телефонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Телефон шундай беиннат дастёрки, унинг ёрдамида нафақат қўшни шаҳар ёки вилоятдаги, балки дунёнинг исталган минтақасидаги одамлар билан дарров боғланиб, масалаларни ечиш имконияти мавжуд. Шу боис телефонда суҳбатлашиш қоидаларини билиб қўйиш турли ноқулай вазиятларга тушиб қолишдан асрайди.

→ Мабодо сиз иш юзасидан телефонда гаплашаётганингизда олдингизга биров келса, ёки иккинчи телефонингиз жиринглаб қолса, келган одамдан иложи бўлса озроқ кутиб туришини, кейин телефон қилган кишидан эса маълум вақтдан сўнг қайта кўнғироқ қилишини сўранг, ёхуд ўзингиз кўнғироқ қилишингизни айтинг.

→ Суҳбат пайтида вақти-вақти билан табассум қилиб туринг. Бу сизнинг овозингизга ишонч, ижобий руҳ бағишлайди. Суҳбатдошингиз ҳам буни сезади ва мулоқотларингиз самарали кечади.

Қўйидагилар маъқулланмайди:

→ Суҳбатдош учун ноқулай бўлган вақтлар — эрта тонгда ва ярим тонгда кўнғироқ қилиш. Чунки бу вақтлардаги кўнғироқлар бирор нохуш хабар ҳақида бўлиши мумкинлиги сиз телефон қилаётган одамнинг кутилмаганда қон босими ошишига ёки асабийлашишига сабаб бўлиши мумкин.

→ Ўта жиддий сабаб бўлмаса, иш юзасидан уй телефонга кўнғироқ қилиш.

→ Нотаниш киши билан биринчи марта телефонда гаплашганда "Ишларингиз яхшими?" деб сўраш. Чунки унинг шахсий ҳаётида ёки ишида шу кўнғироқда бирор нохушлик рўй берган бўлса, бегона одамнинг бундай саволи дилига оғир ботиши мумкин.

→ Алоқа линиясининг иккинчи томонидаги суҳбатдош билан мулоқотни "Сиз мени танимайсиз", деган сўзлар билан бошлаш. Бу нарса сизнинг ўзингизга бўлган ишончингиз сустигидан далолат беради.

→ Телефондаги суҳбат пайтида иш юзасидан ҳамкорингизни ортиқча мақтовларга кўмиб ташлашингиз ҳам нотўғридир. Бу билан унда ўзингиз ҳақингизда лаганбардор ва тилёглама одам сифатида таассурот қолдиришингиз мумкин.

→ Бирор масалани ҳал этишда ёрдам бергани ёки совға тақдим этгани учун телефон орқали миннатдорчилик билдириш. Бу нарса ўзаро юзма-юз учрашувда амалга оширилгани маъқул.

→ Алоқа линиясининг иккинчи томонидаги суҳбатдошингиз сизнинг овозингизни яхши эшитмаётган бўлса, бақириб гапириш. Яхшиси, бошқа телефон апаратидан ёки сал кейинроқ қайта кўнғироқ қилиш керак.

→ Мабодо, ишхонангизга кўнғироқ қилиб ҳамкасбингизни сўраса, кўнғироқнинг мақсади ҳақида саволлар бериш. Сиз ундан телефон рақамини қолдиришни ёки кейинроқ қайта кўнғироқ қилишни сўранг.

→ Бирор идорага кўнғироқ қилиб ўзингизга зарур кишини сўраганингизда унинг ҳозир йўқлигини айтишса, ортиқча саволлар бериб, суҳбатдошингизни ишдан қолдириш. Қачон қайта кўнғироқ қилишингиз мумкинлигини сўрасангиз ёки телефон рақамингизни қолдирсангиз, кифоя.

→ Бир вақтнинг ўзиде иккита телефон орқали ёки ҳам телефонда, ҳам қабулнингизга келган киши билан гаплашиш. Бу ҳурматсизлик белгиси ҳисобланади.

→ Сиз керакли қоғоз ёки маълумотни топганингизча суҳбатдошингизни телефонда куттириб қўйиш. Яхшиси, зарур қоғоз ва маълумотни топгач, қайта кўнғироқ қилишингизни айтинг.

→ Кўнғироқни уяли телефонингизга ўтказиб қўйиш (переедресовка). Одатда кўнғироқ қилаётган одам бу ҳолни менимсимаслик ва ҳақорат сифатида қабул қилиши мумкин.

ТУРЛИ ТОИФАЛАР

Уйда телефон орқали таниш-билишларимиз, дўст-дўғоналаримиз билан истаганча гаплашиб ўтиришимиз мумкин. Ишхонада эса аксинча ҳамкасблар ва мижозлар билан телефон суҳбатлари фақат иш юзасидан ва қисқа бўлиши шарт. Йўқса, кундалик бошқа муҳим ишларга вақт етмай қолади. Аммо ҳар қандай идорада ҳам телефон линиясини банд қилиб бошқаларнинг ишлашига ҳалақит берадиганлар топилади. Бундай кишилар икки тоифага бўлинади: гапдонлар ва шикоятчилар. Баъзида бу икки салбий хислат бир одамда жам бўлган ҳолатлар ҳам учрайди.

Бу тоифадаги кишилар кўнғироқ қилишганда сизнинг муҳим ишларингиз борлиги хаёлларига ҳам келмайди. Уларнинг назариде сиз бекорчиликдан пашша қўриб ўтирибсиз ва уни жон-жон деб истаганча эшитишга тайёрсиз. Бундай кишилар билан суҳбатлашганда ўзингизни йўқотиб қўймаслигингиз, унинг сиздан фойдаланишига ва вақтингизни ўғирлашига йўл қўймаслигингиз жуда муҳим. У мавзудан қалғиб бекорчи гапларга ўтиши билан дарров: "Кечирасиз, ўзи нима мақсадда ёки қандай масала юзасидан кўнғироқ қилган эдингиз?" деб савол беришни унутманг. Эҳтимол, суҳбат давомида бу саволни кўп марта такрорлашингизга тўғри келар. Асосийси, суҳбатдошингизга бекорчи гапларга вақтингизни сарфлаётганингиздан жигибийрон бўлаётганингизни сездирманг.

Мабодо, суҳбатдошингиз тинмай гапириб сизга бирор сўз айтишга ҳам имконият қолдирмаётган бўлса, сал овозингизни баландлатиб бўлса-де, унинг гапини бўлинг. Бу нарса одобсизлик саналмайди. Бундай пайтда шумлик ишлаши ҳам мумкин. Ўрни уэр айтиб, сизни бошқа телефонда сўрашаётганини ёки раҳбарингиз чакқириб қолгани боис суҳбатни давом эттира олмаслигингизни айтинг.

Агар ишонч билан, равон гапирсангиз, суҳбат тизгинини ушлаб туришингиз осон кечади. Қаддингизни кўтариб, елкаларингизни тўғирланг. Шунда сизда чуқурроқ нафас олиш имконияти пайдо бўлади. Гўшакни елка билан қисиб ушлаб туриш ҳам маъқулланмайди. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, телемаркетологлар, яъни телефон орқали турли маҳсулотларни сотиш билан шуғулланувчилар тик туриб гаплашишни маъқул қўришар экан. Таъкидланишича, гавданинг бундай ҳолати суҳбатдош устидан ҳукмронлик ҳиссини берар, ҳамда ақлий қобилиятни ҳам оширар экан.

Шикоятчилар билан мулоқотда эса сал бошқачароқ йўл тутишга тўғри келади. Чунки одатда улар тажовузкор кайфиятда ҳам бўлишаде ва дарров кимдандир ноллиб бақириб гапиришга тушишлари мумкин. Бундай пайтда гўшакни қўйиб қўйиш эса вазиятдан чиққшнинг йўли бўлмайди. Биринчидан, шикоятчи сизнинг идорангизда одамларнинг арзлари умуман тингланмаслиги ҳақида барча таниш-билишларига айтиб чиқади. Бу идорангиз учун антиреклама вазифасини бажаради ва унинг обрўсига путур етказиши мумкин. Иккинчидан, шикоятчи сизнинг устингиздан раҳбарингизга ёхуд юқори идорага арз қилмаслигига ҳам қаролат йўқ.

Абонентнинг арзи ўринли, у алам ўтанидан ўзини шундай тутаетган ҳолатлар ҳам бўлади. Бу ҳолда сиз унга мулоиймлик билан муомалада бўлиб, "Яхши иш бўлмапти; Сизни анча овора қилишибди; Муаммонингизнинг ечимини топиш

ОДОБИ

Билиб қўйган яхши

мумкин (бу нарса сизнинг ваколатингиз доирасида бўлса, албатта)" каби гаплар билан уни ўзингизга оғдириб олишга ҳаракат қилиб кўринг. У сизнинг қиёфангизда навбатдаги бюрократни эмас, ўз масаласини ҳал этишга ёрдам берадиган дўстни кўрсин. Шунда мулоқотларингиз ҳам, сиз муаммонинг мағзини аниқлаб олишингиз ҳам осон кечади. Аниқ саволлар бериб, уларга батафсил жавоблар олишга интилинг. Аммо ноўрин маслаҳатлар беришдан эҳтиёт бўлинг. Яхшиси, суҳбат жараёнида "менимча; тушунишимча" каби сўзлардан фойдаланинг.

ТЕЛЕФОНФОБИЯДАН ҚУТИЛИШ

Уйда телефонда гаплашиш ҳеч кимда қийинчилик туғдирмаслиги тайин. Аммо ишда... Телефон апаратини кўрганда қалтироқ босадиган одамлар ҳам учраб туради. Бу нарса кўпроқ ишга янги кирган ходимлар орасида кўриш мумкин. Улар тажрибали ва ёши катта ҳамкасблари олдида иш юзасидан турли жойларга кўнғироқ қилишдан кўрқишадиде. Бу нарса илмий тилда телефонфобия деб аталади.

Кўрқувни махсус машқлар ёрдамида енгиш мумкин. Керакли рақамни теритишдан олдин нималар дейишингизни хаёлан ўйлаб олинг. Энг яхшиси, айтмоқчи бўлган гапларингизни қозоғга тушириб қўйинг. Бу нарса суҳбат давомида гапингизни йўқотиб қўйганингизда сизга тайёр "шпаргалка" бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари бу каби олдидан тайёрлаб қўйилган қозғолар диққатни суҳбатнинг асосий мавзусига жамлашга ҳам ёрдам беради. Демак, сиз бировнинг вақтини ҳам, ўзингизнинг вақтингизни ҳам бекорчи гапларга сарфламайсиз. Аммо қозғодаги гапларни сўзма-сўз ёдлаб олиш ҳам ярамайди. Чунки мулоқот пайтида ёдлаб олган гапларни айтиб бераётганингиз сезилиб қолиши мумкин. Ишга эртароқ келиб, кечроқ кетишга ва айнан шу вақтда ҳамда хонада ҳамкасбларингиз камроқ бўладиган пайтда зарур кўнғироқларни амалга ошириб олишга ҳаракат қилинг. Мабодо, бир неча бир хил мазмундаги телефон кўнғироқлари қилишингиз лозим бўлса, энг аввало, унча муҳим бўлмаганларидан бошланг.

Телефонфобиянинг сабабларидан яна бири микрофондан кўрқидир. Ҳатто энг сўзамол одамлар ҳам радиода тўғридан тўғри эфирга чиқиса ёки телевидениенинг микрофонини қўришса, озгина бўлса-де ҳаяжон босади. Телефон ҳам баъзида одамга худди шундай таъсир кўрсатади. Аммо бу кўрқувни ҳам енгиб ўтиш мумкин. Энг асосийси, мулоқот пайтида суҳбатдошингизнинг қиёфаси (агар у сизга аввалдан таниш бўлса) кўз олдингизда туриши керак. Яъни сиз телефон гўшаги билан эмас, аниқ одам билан гаплашаётганингизни унутмаслигингиз лозим.

Юзма-юз мулоқотда бўлгани каби тана ҳаракатларидан ҳам самарали фойдаланинг. Агар қўл ҳаракатлари ва бийимикага одатланган бўлсангиз, улардан телефондаги мулоқот пайтида ҳам воз кечманг. Ички хисларнинг юзда, ташқи қиёфада акс этиши овозга ҳам таъсир кўрсатади ва эркин, табиий ҳамда ишончли чиқади.

Маслаҳатларимизни тўғри бажариб борсангиз, тез орада телефонда гаплашиш кўникмасини ҳосил қиласиз. Ишонмасангиз, бир синаб кўринг.

ДАРМОН тайёрлади

ЧУМОЛИ БЕЗОР ҚИЛСА...

Ёғ ёрдамида

Чумолилар кунгабоқар ёғи, чўл ялпиз ва эрмон ҳидини унча ёқтиришмайди. Шунинг учун чумолилар тўпланадиган жойга озроқ кунгабоқар ёғидан суриш ёки юқоридаги гиёҳлар шохчасидан ташлаб қўйиш лозим.



Саримсоқпиез суртиб

Чумолилар юриши мумкин бўлган жойларга ҳар ойда икки марта саримсоқпиездан суриб қўйсангиз, бу жойга қайта йўлашмайди.



Ширинлик билан

Агар банкага сув тўлдириб, шакар ёки асалдан аралаштириб қўйсангиз, чумолилар айнан шу банка томонга қараб ўрмалашади ва сувга чўкиб кетишади.



Кислота билан



1 стакан сувга тахминан 1/4 чой қошиқ бор кислотаси, 1 чой қошиқ шакар ва 1-2 чой қошиқ асал қўшиб, эритилади. Ушбу аралашмани тарелкага солиб, 1 ойгача болаларнинг қўли етмайдиган жойга қўйиб қўйинг. Бундай аралашма чумолилардан қутулишда фойда беради.

СОДА! АЖОЙИБ ЁРДАМЧИ!

Ҳар бир уйда ичимлик содаси албатта топилади. Гарчи у турли пишириқлар тайёрлашда ишлатилса-да, ичимлик содаси турли доғларни ва идишларни тозалашда ҳам ишлатилишини кўпчилик билмаслиги мумкин.

Гулқоғозда ёғли доғ бўлса

Чорак стакан ичимлик содасини озроқ сув билан аралаштирилади. (аралашма худди тиш ювадиган паста қуюқлигида бўлиши керак), юмшоқ мато билан гулқоғоздаги доғлар ювилгач, куруқ салфетка билан артилади.



Мебел хидини кетказади

Анчадан буюн ишлатиладиган эски мебелларда ўзига хос ҳид бўлади. Бу ҳидни ҳам сода ёрдамида йўқотиш мумкин. Бунинг учун мебел устига сода сепиб қўйиб, 1-2 соатдан сўнг чанготтич билан тозаланади.



Уйда мушук бўлса...

Кўпчилик уйда мушук сақлашни хуш кўради. Лекин мушукларнинг ўзига хос ҳиди бўлади. Уйда мушук бўлган кишилар уларнинг идиши атрофига содадан сепиб қўйишса, хонада ҳид бўлмайди.



МАСЛАҲАТЛАР

Кўпинча чой дамланадиган чойнакнинг жўмраги қуйқага тўлиб қолиб, сув тушиши қийинлашади. Жўмракни тозалаш учун чойнак ичига (1 стакан сувга 1 ош қошиқ қўшилади) 2-3 пиёла қайноқ содала сув қуйгач 1 соат қўйиб қўйилади. Кейин чойнак уч марта қайноқ сув билан чайиб ташланади.

✓ **Шиша стаканлар, графин ва биллур идишлар** йирик ош тузи ва сирка солинган сув билан ювилса, ярақлайди.

✓ **Газ плитангизда занг пайдо бўлса** қайноқ ўсимлик ёғи билан тозаланг. Қайноқ ёғни зангланган жойга қўйиб, совуғанидан сўнг куруқ латта билан артсангиз, занг йўқолади.

✓ **Севимли сопол гулдонингиздан сув оқа бошла-са** кайфиятингизни бузманг. Гулдон ичига бирор хил лакдан қўйиб, чўткача билан деворларига суриб чиқинг. Шунда сув ўтказмайдиган қаттиқ қобик ҳосил бўлади.

✓ **Матодан либос бичаётганингизда** сурилиб кетмаслиги учун, матони стол четига кир қистиргич билан маҳкамлаб қўйишингиз мумкин.

✓ **Мевадан қолган доғларни** - 1 литр сув, 1 чой қошиқ суюлтирилган кир ювиш воситаси ва 1 ош қошиқ сирка қўшилган эритма билан ювиш тавсия этилади. Доғ бўлган кийим ёки дастурхон ушбу эритмага бо-тирилиб, 15 дақиқадан сўнг ювиб ташланади.

✓ **Сочларни мустаҳкамлаш учун:** лимон шарбати, алоэ ва асал тенг миқдорда аралаштирилади. Тайёр бўлган никоб ҳафтада бир марта, ювишдан олдин сочга сурилиб, ярим соатдан кейин сочлар ювилади.

✓ **Агар кастрюлкага қўйилган сутнинг таги қуйиб қолган бўлса** - қаҳва қуйқаси билан тозаланг.

✓ **Дазмолнинг тагини тозаламоқчи бўлсангиз** - уни киздириб, озроқ мум ўралган латта билан артинг.

✓ **Ёғоч бандли пичоқ ва вилкаларни** қайноқ сувда узоқ вақт қолдирилса уларнинг бандларидаги елими кўчиб кетади, шунинг учун ишлатилганидан сўнг уларни дарҳол ювиб қўйишингиз лозим.

✓ **Биллур идишлар чироқ нурида ярақлаб туришини истасангиз** - озгина синька қўшилган крахмал билан ишқалаб, артинг.

✓ **Полга тўшалган линолеумга** йилда бир марта зигир ёғидан суриб, эртасига куруқ латта билан артсангиз янгидек ярақлайди.

✓ **Агар тирноқларингиз қатланиб, синадиган бўлиб қолса** бир-икки ҳафталак сурманг. Ҳар куни кундузи тирноқларингизга лимон шарбати, кечқурун бирорта ўсимлик ёғидан суриб қўйсиз. Шунингдек, ҳар куни 2-3 маҳалдан кальций ичиб турунг.

✓ **Қишда таомларга солиш учун** турли хушбўй зирavorларни қуйидагича тайёрлаб қўйиш мумкин. Укроп, райхон, кашин майда тўғралади, булгор қалампирни эса халқа шаклида тўғралади, туз сепилади. Сўнг банкага зич қилиб жойлаштирилади. Устига яна озроқ туз сепилгач музлаткича қўйсиз-да, қишда олиб ишлатасиз.

✓ **1 стакан асалга 1/2 стакан янчилган ёнғоқ** мағзи ва 1/3 стакан майиз аралаштирилади. Ўшбу аралашмадан ҳар куни эрталаб 1-2 ош қошиқдан ейилса фойдалидир.

Ўзингиз ва уй



Ўзингиз ва уй

ТОЗАЛИК СИРЛАРИ

Бир куни эрта туриб бирдан дераза ойналари қуёшнинг заррин нурларини ўтказмаётганини, мебелингиз чанг босганидан хиралашиб қолганини сезиб қоласиз. Уйингиз фэйзсиздек кўринади кўзингизга. Қайғуга чўкманг, бу

муаммоларни бир кундаёқ бар-тараф этишингиз мумкин.

ОЙНА ЮВИШ

Дераза ойнаси, роми ва тоқчасини нашатир спирти (1 литр сувга 1 қошиқ) ёки сирка кислотаси (1 литр сувга 2 ош қошиқ) қўшилган сув билан ювсангиз тозаллиги кўзингизни қамаштиради.



Ойна камроқ ифлос бўлиши учун уни ювганингиздан сўнг бир неча томчи нашатир спирти қўшилган глицеринли сув аралашмаси билан артишингиз керак.

МЕБЕЛ ТОЗАЛАШ

Эски доғларни кетказиш учун карам суви ёки туз ва ўсимлик ёғи қоримчасига шимдирилган чарм териси парчаси билан артинг.

Хўл идишлардан қолган мебелнинг доғларини ер-ёнгоқ мағзи билан артинг. Иссиқ идишлардан қолган оқ доғларни этил спирти ва ўсимлик ёғидан тенг қисмдан қўшилган аралашма билан артиб кетказишингиз мумкин.

Табий эмандан тайёрланган мебел устидаги сув ва ёғдан қолган донни кетказиш учун сигарет қуқунига қўшилган озроқ ўсимлик ёғини ишлатиш мумкин. Доғ жойини куруқ жун мато билан ишқаланг.

Юмшоқ мебелларни қоқиб, унинг устига тоза, очиқ рангли сирка кислотаси аралашмаси (1 литр сувга 1 ош қошиқ) шимдирилган мато ёпамиз ва яқшилаб "урамингиз". Бундай "массаждан" сўнг мебелнинг чангдан фориг бўлади.

Юмшоқ мебелнингизни тузли сувга шимдирилган икки қаватли дока билан ўралган қаттиқ чўтка билан тозаласангиз яхши фойда беради.

ГИЛАМЛАРНИ ТОЗАЛАШ

Гилямнингизнинг чангини қоқиб, кейин бир неча уюм майда туз сепиб, ундан сўнг тоза супурги билан супуринг. Туз ўрнида куруқ чойни ҳам ишлатиш мумкин.

Гилямнингизнинг ранги тиниқлашиши учун уни сирка кислотаси, тузли сув ва лимон шарбатига ёки нашатир спирти аралашмасига шимдирилган паролон парчаси билан артишингиз керак.

Гилямнингиз майин ва юмшоқ бўлиши учун, тозаловчи хом-ашё сифатида тузланган карам салатидан фойдаланинг.

КЎЙЛАК ТАНЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Аёл киши эркакларнинг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор беради? Баъзи аёлларни эркакларнинг овози, бошқаларни кўзларининг ранги мафтун этади. Аммо ҳар қандай аёл эркак кишининг туфлисининг тозаллиги-ю, костюми рангига муносиб танланган кўйлагига албатта эътибор қилади. Туфлингизни ялтирагунча артиб, тозалаш мумкин, аммо баъзан кўйлакни костюмга тўғри танлашни ҳамма эркаклар ҳам эплайверилмайди.

Ишга киядиган костюмингизга фақат оқ рангли эмас, балки оч жигаранг, ҳаворанг, очпушти рангли кўйлақлар ҳам мос тушади. Оқшомги зиёфатларга фақат оқ рангли кўйлақларни кийинг. Костюмдан кўра тўқроқ рангли кўйлақларни кийиш ҳозир русм бўлган. Бу хилдаги кийимни салобатли ишбилармонлар ҳам кийиши мумкин. Кундуз куни кийиладиган костюмларга нафақат бир хил рангдаги кўйлақлар, балки жуда нозик йўл-йўл шаклли

кўйлақлар ҳам мос келади. Катак-катак кўйлақларни свитер ёки курткалар остидан кийиш мумкин, фақат ишхонага кийиб бориш тавсия қилинмайди. Муҳим ишларни бажариб келиш учун кийиладиган костюмларга ёқасининг учи тугмачага қадаладиган кўйлақлар кийиш анъанавийдир. Ҳозир галстук тақмай киядиган кўйлақлар урф бўлган. Бундай кўйлақ ёқасини костюм ёқасига тақаб кийилади. **ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**





625 Ёшим 48 да. Ажрашганман. Асли тошкентликман. Ишлайман. Уй-жойим йўқ. Урта маълумотли бўлсам ҳам диди нозик, оқуқорани яхши ажрата оладиган ҳалол эркакман. 40-43 ёшгача бўлган, уй-жойли, оқила аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Аҳмаджон

626 Асли тошкентликмиз. 29 ёшли келишган, баланд бўйли, ақли ўғлим бор. Тақдир экан турмуши бузилди. Ўғлимнинг алоҳида уйи бор, тадбиркорлик билан шуғулланади. Узининг мустаҳкам оиласи бўлишини жуда ҳам орзу қилади. 28 ёшгача бўлган, оқила, ораста ва чиройли бир киз бўлса ўғлимни уйлантириб, орзу-ҳавасини қўроқчи эдим.

Манзилимиз тахририятда.

Муборак опа

627 Ёшим 75 да. Аёлим вафот этган. Тошкент вилоятиданман. Фарзандларим уй-жойлик бўлиб кетишган. Каттагина боғим бор, шу боғда меҳнат қиламан. Чиниққан, бақувват инсонман. 60 ёшгача бўлган, фарзандларидан қутулган ёки ёлғиз бир аёл бўлса уйланоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Раҳматилла ота

628 Ёшим 32 да. Ажрашганман. Тошкентликман. Бир ўғлим бор. Ҳамшира бўлиб ишлайман. Озодликни ёқтирадиган ораста аёлман. 40-45 ёшгача бўлган, ҳалол, виждонли, тўғри сўз, боламга оталик меҳрини бера оладиган бир эркак бўлса танишиб, турмушга чиқиб, оила қуришни истайман.

Манзилим тахририятда.

Умида

629 Ёшим 42 да. Маълумотим олий. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Баланд бўйли, келишган қизман. Турмушга чиқмаганман. 50 ёшгача бўлган, олий маълумотли, баланд бўйли, жиддий, кўнглимни тушунадиган, уйим-жойим дейдиган (қаердан бўлишининг фарқи йўқ) эркак билан турмуш қуриш ниятиданман.

Манзилим тахририятда.

Гулжаҳон

630 Бухоро вилоятиданмиз. 37 ёшли ҳамшира ҳамкасбимиз бор. Тақдирда бор экан, оиласи бузилди. Хушфеъл, чиройли ва меҳрибон аёл. Оиласи ва фарзандлари бўлишини жуда истайди. Шу ҳамкасбимизга мос келадиган, уйим-жойим дейдиган, моддий томондан таъминланган, уй-жойли 37-50 ёшгача бўлган (болалари бўлса оналик қилмоқчи) эркак бўлса узатган бўлардик.

Манзилимиз тахририятда.

Дилмоҳ опа

631 Ёшим 30 да. Ишлайман. Кўли гул хўнарманд ва меҳнаткаш йигитман. Турмуш қийинчиликларини енга оладиган, оқуқорани ажрата оладиган йигитман. Оиламни моддий томондан бекам-қўст таъминлаб қўйиш қўлимдан келади. Уятчан, камтарин, кўнглимга мос келадиган гўзал қизга уйланоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Жаҳонгир

632 Ёшим 28 да. Ажрашганман. Бир қизчам бор. Тошкентда, ота-онам билан яшайман. Ишлайман. 35-40 ёшгача бўлган, алоҳида уй-жойи бор, ақли, диёнатли эркакка турмушга чиқмоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Дилафрўз

633 Ёшим 26 да. Асли тошкентликман. Ажрашганман. Бир кичик қизчам бор. Ишлайман. Ота-онам билан яшайман. Жиддийман. 35-39 ёшгача бўлган, тошкентлик, (ўзбек ёки тожик бўлса ҳам майли) уй-жойли, қизчамга оталик меҳрини бериб, кўнглини ўқситмайдиган эркак билан турмуш қурмоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Гули

634 Ёшим 43 да. Ажрашганман. Маълумотим олий. Ишлайман. 16 ёшли ўғлим бор. 45-55 ёшгача бўлган, тошкентлик (қозоқ миллатига мансуб), зарарли одатлардан холи бўлган, ишлайдиган, оилани моддий таъминлай оладиган, ёлғиз, мустақил инсон билан танишиб, оила қуриш ниятиданман.

Манзилим тахририятда.

Гулнор

635 Ёшим 36 да. Турмуш ўртоғим вафот этган. Фарзандларим бор. Қўркам ва ораста аёлман. Ҳозир Тошкентда яшайман. Моддий таъминланганман. 50 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида уй-жойи бор, жиддий, ота меҳрига зор болаларимга меҳр бера оладиган эркак билан оила қурмоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Шабнам

636 Ёшим 46 да. Ажрашганман. Асли водийлик бўлсам-да, ҳозир Оҳангарон шаҳрида яшайман, Ичмайман, чекмайман. Жуда диёнатли эркакман. Эри вафот этган ёки бефарзандлик боис ажрашган, турмушга чиқмаган, оқила, муслима, доно, нозик таъбли, яхши оиланинг фарзанди бўлган 40 ёшлардаги қизга уйланоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Рустам

637 Асли фарғоналикман. Ажрашганман. Ёшим 39 да. Икки нафар фарзандларим бор. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Замонавий ва қувноқ аёлман. Уй-жойим бор. 50 ёшгача бўлган, уй-жойли, моддий таъминланган эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Замира

638 Асли Бухороданмиз. Қизимнинг ёши 25 да. Ҳали турмушга чиқмаган. Маълумоти ўрта. Жуда оғир-вазмин, меҳрибон. 35 ёшгача бўлган, бухоролик, уй-жойли, оилани моддий таъминлай оладиган яхши бир йигит бўлса, қувноқ қилган бўлардим.

Манзилим тахририятда.

Ҳалима опа

БУ УМИДЛИ ДУНЁДА...

639 - Тошкент вилоятиданман. Ёшим 35 да, исми Шайхон. Бахтли бўлишни жуда ҳам истаганим, аммо, ҳаёт мен ўйлагандек эмас экан, - гап бошлади ўзини Мансур, дея таништирган йигит.

- Сиз ҳаётни қандай тасаввур қилгандингиз?

- Унчалик шоҳона ҳаётни эмасу, лекин ўзимга яраша бахтим, рўзгорим, оилам, ишдан келганимда кутиб оладиган роишли рафиқам ва қаршимга югуриб чиқадиган жажжигина фарзандларим бўлишини орзу қилганим. Шу ниятда уйланидим, лекин...

- Ажрашдингизми?

640 - Асли Сирдарё вилоятидан бўлсам ҳам анча йилдан буён Тошкент шаҳрида яшайман. Бундан икки йил олдин ширингина оилам, уч нафар фарзандларим бор, жуда бахтли эдим. Бироқ, тугал бахт ҳам баъзан ўткнчи бўлишини билмаган эканман, - ғамгинлик билан ўз ҳаётини сўзлай бошлади ўзини Билал дея таништирган йигит.

- Бундай дейишингизга сабаб борми?

- Албатта, бор-да. Бўлмаса тинчгина ишимни ишлаб, хотиржам яшаб юрган бўлардим. Уч хонали уй сотиб олганимдан сўнг аёлим ва болаларимни қишлоқдан шаҳарга кўчириб келдим. Чунки ҳар кун ишдан сўнг сукунат чўмган уйимга келишдан безиллаб қолган эдим. Оиламни кўчириб келгач, вақт-бевақт мен ҳам уйга дўстларим билан келиб овқатланадиган, гурунглашадиган бўлдим. Мана шу ишимга икки йилдан буён афсусланаман...

- Нега афсусланасиз?

- Ўша меҳмондорчиликлар оилам бўлишига сабаб бўлди-да. Илгари қишлоқда, далада ишлаб юрган, мол-ҳоллардан ортмаган хотиним шаҳарга кел-

- Афсус, шундай бўлди. Икки марта уйланиб, фарзандсизлик боис ажрашдим. Даволаниш учун энг номи чиққан дўхтирларга ҳам бординдик. Лекин уларнинг менга «бепушт» дея қўйган ташҳиси кўнглимни чил-чил қилиб, умримни бир зумда зулматга айлантирди. Бироқ, тирик жон яшаши керак экан. Яшайман. Уй-жойим бор. Толишим ёмон эмас. Яқинларимдан бири менга фарзандини бермоқчи. Бунинг учун эса мен уйланишим керак. 35 ёшгача бўлган, садоқатли, меҳрга ва бахтга зор бефарзанд ёки ёлғиз аёлга уйланоқчиман.

гач тезда ўзгарди. Сочларини кесиб, янги урфдаги кийимлардан олиб кийина бошлади. У жуда ҳам чиройли эди. Яқин дўстларимдан бири уни йўлдан урибди. Хуллас, бир кун уйда икковининг устидан чиқдим... Ва...

- Жанжал кўтардингизми?

- Йўқ, мен жуда тарбия қўрган инсонман. Хотиним ҳаммасини бўйнига олди, болаларимиз учун кечирешини сўраб ёлворди.

- Кечира олдингизми?

- Уриниб кўрдим. Қарасам ақлдан оза бошлаётгандекман. Кўз олдимга нуқул ўша дўстим келаверади, денг... Кейин хотинимнинг уйдагиларга бор гапни айтдим. Барча қариндошларимиз ҳам бу ҳақда билишди. Аёлим билан орани очик қилишга мажбур бўлдим. Болаларимдан ёрдамимни аямайман.

Менга қанчалик оғир бўлганини фақат ўзимгина биламан. Бу кунларни бошқа ҳеч бир эркакка раво қўрмайман. Лекин йигит умрим ўтгнча кутмоқчи эмасман. Бир садоқатли, яхши ёмон кунларимда ёнимда турувчи муниса бир аёл билан турмуш қурмоқчиман.

641 - Ёшим 50 да, турмуш ўртоғим фарзандларимиз кичик пайтида вафот этган. Ҳозир болаларимнинг ҳаммаси уй-жойлик бўлиб кетишган. Ўзим бизнес билан шуғулланаман. Қўркам ва сергайрат аёлман. Умримни шу болаларимга бағишладим. Уларнинг ҳаммасига уй-жой қилиб бериб хато қилдиммикан?

- Болаларингиз хафа қилишдими?

- Хафа қилишди, десам хато бўлар. Аммо, бир ой аввал оқшом пайти тўсатдан иситмам кўтарилиб кетди. Ётган жойимдан тура олмай ўғлимга, кейин қизимга кўнгирок қилдим. Касаллигимни айтиб, уйга чақирдим. Ўғлим: «Ойижон, эрталабгача сабр қилинг. Қайнонамнинг туғилган кунидаман. Тонггача чидарсиз...», - деса, жондан ортиқ кўрган қизим: «Уф!

Озиб-ёзиб концертга кетаётганимда касал бўласизми-а? Эрталаб борарман!», - деди. Ана шу пайтда ёнимда бир ҳамроҳим бўлмаганига, болаларимни дея ўш умримни ўтказганимга афсусландим. 55 ёшгача бўлган, мени тушунадиган бир эркак бўлса турмушга чиқсам дегандим...

Инсон борки бахтли бўлишни орзу қилади. Бахт эса осмондаги юлдузга ўхшайди. Бировнинг ҳаётида ҳаммиса порлаб турса, бировнинг ҳаётида бир ялт этиб, сўнг бир зумда саробга айланади. Тахририятга умид билан келган ушбу инсонлар ҳам излаганларини топишса, деган ниятадимиз. Уларнинг манзиллари эса тахририятда.

БАСИРА тайёрлади.

«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 234-25-46
Оила, табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 700000
Амир Темура кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1133. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10856
Навбатчи — Н. ИМОВОВ
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ
Расом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Мусаҳҳих — С. САИДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 7 8